БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 181 (17.463). • 9 август 1979 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин.

СУВ—ҒЎЗАНИНГ ҚОНИ, ЖОНИ!

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

● ҒЎЗАЛАР ҚИЙҒОС ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚУШЯПТИ, ШОНАЛАР ГУЛЛАРГА, ГУЛЛАР КЎСАКЛАРГА АЙЛАНЯПТИ. БУНДАЙ КЕЗДА СУВГА НЕЧОҒЛИ ТЎЛА ҚОНДИРИЛСА, КЎСАКЛАР ШУНЧА ЭРТА ЕТИЛАДИ, САЛМОҒИ ОРТАДИ, ТЕЗ ОЧИЛАДИ. ЯНА БИР МУҲИМ ТОМОНИ ШУНДАКИ, ҲОСИЛ НИШОНАЛАРИ ТЎКИЛИШДАН САҚЛАБ ҚОЛИНАДИ.

● БУ ЙИЛГИ ШАРОИТНИ ҲИСОБГА ОЛИБ, ҒЎЗАЛАРНИ ҚОНДИРИБ СУҒОРАЙЛИК, БИРОР ТУП ЎСИМЛИКНИ ЧАНҚАТИБ ҚЎЙМАЙЛИК, ҒОВЛАТИБ ЮБОРМАЙЛИК! ҲАР ҚАТРА СУВНИНГ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК, ИСРОФ ҚИЛМАЙЛИК!

● ЕР ЕТИЛИШИ БИЛАН СИФАТЛИ КУЛЬТИВАЦИЯ, ЧОПИҚ УТКАЗИБ НАМНИ ТЎЛА САҚЛАБ ҚОЛАЙЛИК! ТУПРОҚ ҚАТЛАМИ МАЙИН БЎЛСА, НАМ УЗОҚ САҚЛАНАДИ, ГУЛ, ШОНАЛАР ТЎКИЛМАЙДИ.

● БИРОР ТУП БЕГОНА ЎТ БЎЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК! НИСБАТАН КАМҲОСИЛЛИ МАЙДОНЛАРДАГИ ҒЎЗАЛАРНИ ТАБАҚАЛАБ ҚЎШИМЧА ПАРВАРИШЛАЙЛИК, БИРИНЧИ ГАЛДА «ШАРБАТ» СУВИГА ҚОНДИРАЙЛИК!

ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛИГИ ЖОНКУЯРЛАРИ

Қўпчилик ишига жонкуярлик, ишлаб чиқаришдаги тиғиз участкаларни такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотларнинг техникавий даражасини юксалтириб бориш, — сермеҳнат иш жараёнларини машина-механизмлар зиммасига юклаш учун кураш ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Бу ишда рационализатор ва ихтирочилар олдинги сафларда бормоқдалар. Улар ўз ижодкорлик ишлари билан катта обрў-эътибор қозонмоқдалар.

Доҳий В. И. Ленин — ихтирочилик инсоннинг касби ва хизмат бурчи эмас, балки унинг олий ижодий фаолияти демакдир, — деганида тамомила ҳақли эди. Бугунги кунда техника тараққиётининг жонкуярлари сифатида тан олиниб, эл орасида эъзозланаётган рационализаторлар ва ихтирочилар ишлаб чиқаришни юксалтиришга, КПСС XXV съезди белгилаб берган улуғвор вазифаларни муваффақиятли бажаришга катта ҳисса қўшаётганликларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак. «Фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичида илмий қашфиётлардан, ихтиролар ва рационализаторлик таклифларидан халқ хўжалигида кенг ва ўз вақтида фойдаланиш фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштиришда муҳим роль ўйнади, — деб уқтиради ўртоқ Л. И. Брежнев. — Ихтирочилар ва рационализаторлар ижодкорлигининг совет кишилари зардбор меҳнати билан қўшилган натижалари ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашнинг янгидан-янги резервларини очиб беради».

Биринчи марта СССРнинг янги Конституциясида техника ижодкорлиги эркинлиги давлат томонидан гарантиялаб берилдики, бу ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, фан-техника тараққиёти натижаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш учун кураш қатнашчилари сафини кўпайтириб боришга хизмат қилмоқда, ҳар бир ишчи ва мутахассисда, ҳар бир кишида ижодкорлик туйғусини оширмоқда, халқ хўжалиги олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш ҳаракатида фаол иштирок қилишга руҳлантирмоқда.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини ошириб бориш, маҳсулот сифатини яхшилашнинг резервларини ҳаракатга келтириш беш йиллик вазифаларининг зиёда адо этилиши, давлат планлари ҳамда юксак социалистик мажбуриятларнинг ортиғи билан бажарилишини таъминлайди. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари хўжалик органларига кашфиётлар, ихтиролар ва рационализаторлик таклифларидан самарали фойдаланишда яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Жамоат ташкилотлари ва хўжалик органларининг ўзаро ҳамкорликда ишлаши ўз самараларини бермоқда. Бугунги кунда рационализатор ва ихтирочилар Ўзбекистон жамиятининг бошланғич ташкилотлари 220 мингдан зиёд новаторни, ишлаб чиқаришни тараққий эттириш ижодкорлари отрядларини бирлаштириб турибди. Улар энг мураккаб техник муаммоларни муваффақиятли ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшиб, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга сезиларли таъсир кўрсатишмоқда. Ўнинчи беш йилликнинг ўтган даврида республикамизда 144,7 мингта ихтиро ва рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Бунинг эвазига 350 миллион сўмдан кўпроқ фойда кўрилди. Жорий қилинган ҳар бир таклифдан ўртача олинган иқтисодий самара ўтган беш йилликнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баравар ортди.

Шуни мамнунлик билан таъкидлаб ўтиш керакки, жорий қилинган ихтиролар ва рационализаторлик таклифларининг аксарияти чуқур илмийлиги, техникавий жиҳатдан такомиллаштирилганлиги ва юксак самарадорлиги билан ажралиб туради. Ўрта Осиё темир йўли корхоналарининг новаторлари ўзларининг ижодкорлик ишлари билан алоҳида ибрат кўрсатмоқдалар. Магистралдаги ҳар ўн бир темир йўлчининг бири техника ижодкорлиги билан фаол шуғулланмоқда. Улар беш йиллик мажбуриятларни тўрт йилда бажаришга қатъий қарор қилганлар. Тошкентдаги Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида новаторлик ҳаракати самараларидан муваффақиятли фойдаланилмоқда. Бирлашманинг ижодкор инженери М. Мирсоатов ишлаб чиққан рационализаторлик таклифларини амалга ошириш туфайли корхона ҳар йили 128 минг сўм маблағни тежаб қолмоқда. Республикамиз экономикасининг турли тармоқларида техника тараққиётининг бундай байроқдорлари кўплаб топилади.

Техника ижодкорларининг касби турлича бўлса ҳам, уларни янгилик излаш, ишлаб чиқаришга ижодий муносабатда бўлишдан иборат юксак масъулият туйғуси бирлаштириб туради. Бундай кишилардаги актив ҳаётий позиция ҳамиша олға боришга, бошқаларни ҳам ўз ортидан эргаштиришга чорлайди. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида уқтириб ўтилганидек: «Новаторларнинг рекорд кўрсаткичлари — шунчаки бир мақсад бўлмай, балки омманинг меҳнат ғайратини меҳнат унумдорлигини оширишга сафарбар этишнинг энг муҳим воситаси эканлигича, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишнинг қудратли резерви эканлигига асосланиб иш кўрилсин. Меҳнатда, жамоат ҳаётида ташаббускорлик билан ижодий қатнашиш — инсоннинг қонуний, гражданлик етуклиги кўрсаткичидир».

Ҳозирги кунда техника новаторларининг фаолияти партия ва ҳукуматимизнинг узоқ муддатга мўлжалланган социал-иқтисодий ва илмий-техникавий сиёсати билан уйғун бўлиши зарур. Баъзи корхоналардаги ихтирочи ва рационализаторлар бюроларининг, фан-техника жамиятлари бошланғич ташкилотларининг иши бугунги талаблар даражасида эмас. Айрим жойларда новаторлик иши билан бошланғич партия ташкилотлари чуқур шуғулланмаётирлар. Бундай коллективларда рационализаторлик ва ихтирочилик билан банд бўлган кишиларнинг эътибори майда-чуйда масалалар атрофида қолиб кетмоқда. Вазифа — техника ижодкорлигида «Пахтачилик комплекси» каби катта масалаларни ҳал этишдан, техника тараққиётида инқилоб ясайдиган чуқур проблемалар устида бош қотиришдан иборат. Рационализаторлик ва ихтирочилик ишларини аниқ мақсад йўлида планли олиб боришга эришайлик. Асосий эътибор энг янги, комплекс масалаларни ишлаб чиқишга, машиналар, технология жараёнлари, материаллар яратишнинг жаҳон стандартлари даражасида бўлишини таъминлашга қаратилиши зарур.

Ихтирочиликни ташкил қилиш ишларини муттасил такомиллаштириб, унинг хўжаликни бошқаришнинг планли системаси билан мустаҳкам боғлиқ бўлишини таъминлайлик. Техника ижодкорлиги, меҳнаткашларнинг ижодий куч-ғайрати ўнинчи беш йиллик план ва мажбуриятларни зиёда бажарилишида ишончли воситадир. Ҳар бир коллективда янгилик учун кураш ва новаторлик муҳити барқарор бўлишига эришайлик.

ДЕПУТАТ БОШЛИҚ БРИГАДАДА

Қамаши районидаги «Коммунизм йўли» колхозининг СССР Олий Совети депутати Гулбаҳор Нуруллаева бошлиқ маккажўхоричилик бригадаси аъзолари мавжуд 45 гектар ерда дон учун маккажўхори етиштирдилар. Экин парвариши агротехника қоидалари асосида намунали уюштирилганлиги туфайли ҳам «каҳрабо дон» ҳосили мўл бўлди.

Бригадада маккажўхори донини ўриб олишга областда биринчи бўлиб киришилди. Моҳир механизаторлар Эргаш Нормуродов, Хидир Дўстовлар «Херсонец» комбайнлари билан шу кунгача 30 гектар ердаги экинни ўриб-йиғиб олдилар. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра ҳосилдорлик 141 центнердан ошиб тушяпти.

Қамаши районидаги «Гулистон», Карл Маркс номли совхозларда ҳам маккажўхори ўримига пухта тайёргарлик билан киришилди.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БЕЛГИЛАНГАН ГРАФИКДАН ЎЗИБ

ГОСКОМСЕЛЬХОЗТЕХНИКА Комсомол район бирлашмасига қарашли ремонт заводининг коллективи белгиланган иш графигидан ярим ой ўзиб кетди. Корхона конвейеридан ҳозиргача 230 машина чиқди. Бу — ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 32 та машина кўпдир. Корхонанинг ихтисослаштирилганлиги иш суръатларини жадаллаштиришга ёрдам бермоқда. Заводда поток-узел технологияси ўзлаштирилган. Бундай технология шароитида ремонт конвейери тўхтовсиз ишлайди.

Завод коллективи тўрт йиллик ишлаб чиқариш программасини СССР Конституциясининг янги йилигача бажариш мажбуриятини олди.

(ЎзТАГ мухбири).

Далаларда чеканка қилиш машиналари

Хоразм областида ғўзаларни машина билан чеканка қилиш бошланди. Урганч районидаги Чапаев номли колхознинг илғор механизатори Аҳмад Алимов ҳар куни 12 гектар майдондаги ғўзаларни чеканка қилмоқда. Бу — нормала белгиланганидан 2 гектар кўпдир. Бошқа тракторчилар ҳам юксак иш унумига эришмоқдалар, деб ёзади ЎзТАГ мухбири.

Бу йил Хоразм областида ҳосил кўпайишини жадаллаштираётган ана шу муҳим агротехника тадбирини машиналар ёрдамида 35 минг гектар майдонда ўтказиш мўлжалланмоқда. Бу эса ўтган йилдагидан 2,5 баравар кўпдир.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ. Нишон районидаги 1-совхоз механизаторлари етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини «зангори кема»лар билан териб олишга аҳд қилишган. 40 та терим агрегати, 60 та прицеп, 7 та юклагич машина мавсумга тахт қилиб қўйилди. Юқоридаги суратда: совхознинг ёш сувчиларидан Баҳодир Қудратов.

А. Тўраев фотоси.

●

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Ғалаба районидаги «Москва» колхозида ғўзани машиналар билан чеканка қилиш қизғин давом этяпти. Пастдаги суратда: механизатор Алишер Имомқулов ғўзани чеканка қилмоқда.

А. Абалян фотоси.

ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан социалистик мусобақанинг 1979 йил 1 августгача якунларини кўриб чиқдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлари Советининг кўчма Қизил байроқларини қуйидагиларга беришга қарор қилдилар.

— **Қашқадарё областига** (область партия комитетининг секретари ўртоқ Бойиповга, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Элбоев, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Жабборов). Бу область июль ойида юксак ўсишни таъминлаган ва гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 84,3 процент, сут тайёрлаш йиллик ҳажмини 77,2 процент, тухум тайёрлаш йиллик ҳажмини 81,6 процент бажарган. Байроқ Тошкент областидан олиб берилади;

— **Сурхондарё областига** (область партия комитетининг секретари ўртоқ Каримов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Туропов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Бердиев). Бу область июль ойида энг юксак ўсишни таъминлаган ва гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 69 процент, сут тайёрлаш йиллик ҳажмини 73,2 процент, тухум тайёрлаш йиллик ҳажмини 90,1 процент бажарган. Байроқ Жиззах областидан олиб берилади;

— **Тошкент областининг Тошкент районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Толипов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Абдувалиев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Усмонова). Бу район июль ойида юксак ўсишни таъминлаган ва гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 84,2 процент, сут тайёрлаш йиллик ҳажмини 79,6 процент, тухум тайёрлаш йиллик ҳажмини 249 процент, жун тайёрлаш йиллик ҳажмини 155 процент бажарган. Байроқ Фарғона областининг Бувайда районидан олиб берилади;

— Хоразм областининг **Боғот районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Мадаминов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Бобиддинов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Аҳмедов). Бу район июль ойида яхши ўсишни таъминлаган ва гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 102,1 процент, сут тайёрлаш йиллик ҳажмини 75,7 процент, тухум тайёрлаш йиллик ҳажмини 102,3 процент бажарган. Байроқ Самарқанд областининг Ургут районидан олиб берилади;

— Наманган областининг **Задарё районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Холдоров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ашуров, район ижроия комитетининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Муротов). Бу район июль ойида яхши ўсишни таъминлаган ва гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 96,1 процент, сут тайёрлаш йиллик ҳажмини 69,7 процент, тухум тайёрлаш йиллик ҳажмини 115,7 процент бажарган. Байроқ Жиззах областининг Фориш районидан олиб берилади;

— Тошкент область **Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ Сулаймонов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Мадаминов). Бу колхоз июль ойида энг юксак ўсишни таъминлаган ва давлатга гўшт сотиш йиллик ҳажмини 134 процент, сут сотиш йиллик ҳажмини 94 процент, тухум сотиш йиллик ҳажмини 149 процент бажарган. Байроқ Наманган область Задарё районидаги «Гигант» колхозидан олиб берилади;

— Наманган область **Норин районидаги «Коммунизм» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ Тошматов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Азимов). Бу колхоз июль ойида энг юксак ўсишни таъминлаган ва давлатга гўшт сотиш йиллик ҳажмини 102,4 процент, сут сотиш йиллик ҳажмини 74,3 процент, тухум сотиш йиллик ҳажмини 139 процент бажарган. Байроқ Қашқадарё область Карши районидаги «Коммунизм» колхозидан олиб берилади;

— Бухоро область **Ромитан районидаги Нариманов номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ Ҳасанов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ҳамроева). Бу колхоз июль ойида яхши ўсишни таъминлаган ва гўшт сотиш йиллик ҳажмини 100 процент, сут сотиш йиллик ҳажмини 63 процент, тухум сотиш йиллик ҳажмини 106 процент бажарган. Байроқ Хоразм область Хазорасп районидаги К. Маркс номли колхозидан олиб берилади;

— **Ғалла-орол районидаги К. Маркс номли совхозга** (совхоз директори ўртоқ Нуруллаев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ойнақулов, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Усмонқулов). Бу совхоз давлатга гўшт топириш йиллик ҳажмини 90,2 процент, шу жумладан июль ойида 25,5 процент бажарган. Байроқ Бухоро область Конимех районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозидан олиб берилади;

— Самарқанд область **Пастдарғом районидаги хўжаликлараро чорвачилик комплексига** (комплекс директори ўртоқ Агабабян, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Абдурашидов, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Ражабов). Бу комплекс давлатга гўшт топириш йиллик ҳажмини 81,1 процент, шу жумладан июль ойида 13,9 процент бажарган. Байроқ Қорақалпоғистон АССР Нукус районидаги Тельман номли совхозидан олиб берилади;

— Сурхондарё область **Денов районидаги «Узплодоовощчвинпром» бирлашмасига қарашли «Сахарний тростник» совхозига** (совхоз директори ўртоқ Жумаев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Юзбоев, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Сафаров). Бу совхоз июль ойида яхши ўсишни таъминлаган ва давлатга гўшт топириш йиллик ҳажмини 102 процент, сут топириш йиллик ҳажмини 92 процент, тухум топириш йиллик ҳажмини 97 процент бажарган. Байроқ Тошкент область Янгийўл районидаги У. Юсупов номидаги ишлаб чиқариш — аграр бирлашмасидан олиб берилади;

— Қорақалпоғистон АССР **Тўрткўл районидаги «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли «Ленинизм» совхозига** (совхоз директори ўртоқ Матнепесов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ашуров). Бу совхоз июль ойида яхши ўсишни таъминлаган ва давлатга гўшт топириш йиллик ҳажмини 161 процент, сут топириш йиллик ҳажмини 58,6 процент, тухум топириш йиллик ҳажмини 105,5 процент бажарган. Байроқ Сирдарё область Ховос районидаги «Фарҳод» совхозидан олиб берилади;

— Фарғона областидаги **«СССР 50 йиллиги» паррандачилик фабрикасига** (паррандачилик фабрикаси директори ўртоқ Ли, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Камолов, маҳаллий комитет раиси ўртоқ Кузьмин). Бу фабрика тухум реализация қилиш йиллик ҳажмини 64,8 процент, шу жумладан июль ойида 112 процент, гўшт реализация қилиш йиллик ҳажмини 66,7 процент, шу жумладан июль ойида 100 процент бажарган. Байроқ паррандa гўшти етиштирувчи Андижон ишлаб чиқариш бирлашмасидан олиб берилади;

— Узбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитетининг **Сирдарё балиқ хўжалигига** (балиқ хўжалиги директори ўртоқ Дроздов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Алимова, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Ажимуллаев). Бу хўжалик балиқ тутиш етти ойлик планини 112,9 процент, балиқ етказиб бериш планини 130 процент, фойда олиш планини 116,7 процент, меҳнат унумдорлигини ошириш планини 125,3 процент бажарган. Байроқ балиқ саноатининг Мўйноқ ишлаб чиқариш бирлашмасидан олиб берилади;

— Андижон область **Олтинкўл район матлубот союзининг бўрдоқичилик хўжалигига** (район матлубот жамияти правлениесининг раиси ўртоқ Сотволдиев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Зиёев, касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Собирова, бўрдоқичилик хўжалигининг директори ўртоқ Мадраҳимов). Бу хўжалик чорвани бўрдоқига боқиш етти ойлик планини 146 процент, гўшт етиштириш планини 111 процент, молларни семиртириш планини 140 процент бажарган. Байроқ Сурхондарё область Қумқўрғон ва Ҳон матлубот жамиятининг бўрдоқичилик хўжалигидан олиб берилади.

ЕРГА ҚАЙТИШ ОЛДИДАН

«Салют-6» — «Союз» орбитал тадқиқот комплекси ичида учинчи асосий экспедицияга мўлжалланган илмий-техникавий эксперименталр программаси поёнига етай деб қолди. Экипажнинг иш графигида «Чибис» вакуум костюмида нагрузка билан ишлаш тўғрисидаги ўзига хос ёзувларни кўрдик. Бу космонавтларнинг ҳар кунги зарядкасига киручи икки соатли жисмоний машқ бўлмай, ерга тушишнинг медицина программасига киручи бир деталдир.

Олис космик экспедициядан ерга қайтиш олдидан экипаж врачлар билан бирга бажараётган программаси вазифаларини медицина фанлари доктори А. Егоров шарҳлайди.

— Станциядан берилган телерепортаж сеансларида космонавтлар В. Ляхов билан В. Рюмин станция ичида нақадар енгил ва хаттоки, нафис ҳаракат қилганликларини пайқаган бўлсангиз керак, — дейди у. — Орбитада космонавтлар вазнсизлик шароитида ҳатто бир ой ишлаганларидан кейин ҳам ўз вазнларидан холилик даражасини таърифлаш учун «сувдаги баликдек» деган иборадан ортиқ сўз топиш қийин. «Протонлар» бўлса Ердан ташқарида яшаб ишлаётганликларига 160 кундан ошди.

Бундан икки йил аввал академик О. Газенко навбатдаги халқаро астронавтика конгрессида қилган «Ернинг одами космос одамига айланармикин!» докладида одам организмининг ердаги оғирлигидан тамомила бегоналашиш имкониятини аниқлашга уриниб кўрди. Ердан ташқарида инсон цивилизацияси ороллари барпо этилиб, космосдаги шу масканларда ер аҳолиларининг камида 10—15 авлоди алмашинганидан кейингина «эволюцияда зигзаг» бўлиши мумкин, деганди у. Ҳозирча шундай бўлмагач, вақтинча ишлаш учун космосга учиб чиқаётган киши бу иш қанча давом этмасин, вазнсизлик шароитига кираётганида ҳам, бу шароитдан қайтаётганида ҳам анча қийналиши турган гап.

Экипажнинг «чибис» костюмида машқ қилиши ҳам айни шундай муддаога, яъни ерга қайтишга тайёргарлик кўриш билан боғланган.

Медиклар экипаж ернинг тортиш кучи билан эсон-омон учрашади деб дадил айтмоқдалар. А. Егоровнинг айтишича, В. Ляхов билан В. Рюмин учиш медицина программасининг ҳамма бандларини бажаришда бағоят фаол ишладилар. Шуни айтиш кифоякки, улар велоэргометр ёки югуриш йўлидаги икки соатлик машқларни узрли сабабларсиз бирон марта ҳам канда қилмадилар. Медиклар программага қўшимча «социал датчик» киритганликлари ҳам экипажнинг жисмоний ҳолати яхши бўлишига, кайфияти бир маромда бўлишига кўмак берган кўринади: космонавтлар учиш бошланишидан ҳафтасига икки кун дам олдилар, бу кунлар ердаги ҳордиқ кунларига тўғри келди.

Врачлар билан тез-тез гаплашиб туришларгина эмас, операторлар билан сўзлашув характери ҳам космонавтларни Ер билан қийин, лекин шодиёна учрашувга тайёрлаяпти. Алоқа сеансларида, ўтказилаётган эксперименталр ҳақидаги сўзлашувларда «багаж», «юк», «ерда учрашгунимизча» деган сўзлар тобора кўпроқ эшитилмоқда.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
ТАСС махсус мухбири.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

БУТУНИТТИФОҚ ПАХТАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИНИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз пахтачилигини ривожлантириш ва илмий кадрлар тайёрлаш соҳасидаги катта хизматлари учун **Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти Халқлар Дўстлиги ордени** билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1979 йил 8 август.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА «ЛЕНИН УЧҚУНИ» ГАЗЕТАСИНИ «ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Узбекистон ССР пионерлари ва мактаб ўқувчиларини Ленин васиятлари руҳида коммунистик тарбиялаш соҳасидаги самарали ишлари, пионерлар ҳаракатини ривожлантиришда ғоятда қатнашганлиги учун **республика «Ленин учқуни» газетаси «Ҳурмат Белгиси» ордени** билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1979 йил 8 август.

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 8 август куни Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Овари Миклошни қабул қилди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбат давомида Ш. Р. Рашидов партиянинг ленинча доно миллий сиёсати амалга оширилганлиги туфайли экономикани, фан ва маданиятни ривожлантиришда республиканинг эришган муваффақиятлари тўғрисида гапириб берди. У барча совет кишилари сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам ҳозирги вақтда ўзининг бутун куч-ғайратини КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли бажаришга, ўнинчи беш йиллик топшириқларини адо этишга, Ватанинг иқтисодий қудратини қучайтиришга, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга сафарбар қилаётганлигини таъкидлади. Республика меҳнаткашлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилашга, оқибат пировардда халқ хўжалигида юксак натижаларни қўлга киритишга қатъият билан эришмоқда.

Совет—Венгрия ҳамкорлигини ривожлантиришга, ҳар иккала мамлакат ўртасида, КПСС билан ВСИП ўртасида ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор берилди. Ўзаро иқтисодий Ердам Кенгаши доирасида амалга ошириладиган кўп томонлама ҳамкорлик вазифалари муваффақиятли ҳал этилаётганлиги мамнуният билан уқтириб ўтилди.

Овари Миклош самимий қабул учун миннатдорчилик билдирди. У Венгрия меҳнаткашларининг социалистик қурилиш планларини бажариш соҳасида фидокорона қилаётган ишлари тўғрисида гапириб берди.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Х. Р. Раҳимов қатнашди. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ИДЕОЛОГИЯ ИШИ ТАЖРИБАСИДАН

ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИ

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида барча партия, совет, комсомол, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларининг вазифалари аниқ-равшан кўрсатиб берилган. Бу қарорда фан-техника революцияси чуқурлашиб, совет халқининг маълумоти, дунё воқеаларидан хабардорлиги ошиб бораётган бир шароитда лекция пропагандасининг роли тобора ўсаётганлиги қайд этилган.

КПСС Марказий Комитетининг қарори партия, касаба союз, комсомол комитетлари, «Билим» жамияти область ташкилоти правлениесининг пленумлари, мажлисларида кенг муҳокама қилинди, қарорнинг бажарилиши юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди.

Область, шаҳар, район партия комитетларининг пленумларида, бюро мажлисларида, актив йиғилишларида лекция пропагандасининг таъсирчанлик ва самарадорлигини ошириш масалалари тез-тез муҳокама қилинмоқда. Чунончи, область партия комитети КПСС Марказий Комитетининг «Лекция пропагандасининг аҳволи ва уни янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори асосида Ильич район партия комитетининг лекция пропагандасининг ғоявий-назарий даражасини ва унинг таъсирчанлигини ошириш борасидаги ишларини кўриб чиқди. Район партия комитетининг бу соҳадаги ютуқлари қайд этилди.

Лекция пропагандасини олиб боришда Ильич район партия комитетининг 37 сиёсий докладчиси, 17 штатсиз лектори ва «Билим» жамиятининг 485 аъзоси иштирок этади. Сўнгги бир ярим йил ичида 8 мингга яқин лекция ва доклад ўқилди. Район партия комитети қошида лекция пропагандасида иштирок этувчи ташкилотларнинг ишини координация қилиб турувчи совет доимо ишлаб турибди. 40 киши район лекторлик маҳорати мактабида таълим олмоқда. Лекция пропагандаси таъсирчанлигини оширишни кўзлаб семинар-кенгашлар ўтказилмоқда. 5 та халқ университети ва 8 лекторий доимо ишлаб турибди. «Ленинча жумалик», лекторлар ҳафталиги ва кунларини ўтказиш одат тусига кириб қолган. Лекцияларнинг мазмуни ва таъсирчанлигига алоҳида эътибор берилмоқда.

Партия комитетлари саноат, қурилиш, совхоз ва колхоз партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети қарорини бажариш соҳасида олиб бораётган ишларни бюро мажлисларида муҳокама қилмоқдалар. Жумладан, Ховос район партия комитетида Ж. Усмонов номли совхоз партия ташкилотининг меҳнаткашларни илмий-атеистик руҳда тарбиялаш борасидаги ишлари, «Янгиер» совхози партия ташкилотининг оғзаки агитацияни йўлга қўйиш тажрибаси, Сирдарё ГРЭСи партия ташкилотининг меҳнат коллективини социал-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ишлари муҳокама қилинди, меҳнаткашларни коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли бажариш учун курашга сафарбар этишда лекция пропагандасининг роли ошириш, бу ишдаги камчиликларни тугатиш чоралари кўрсатиб берилди.

Лекция пропагандасининг тематикаси бойиб бормоқда. Шуни айтиш кифояки, областимизда 40 дан ортиқ йўналиш бўйича лекция ўқилаётир. Сўнгги бир ярим йил ичида ўқилган 60 мингдан кўпроқ лекция ва докладларнинг асосий қисми коммунистик қурилишнинг КПСС XXV съезди томонидан илгари сурилган актуал назарий проблемалари ва амалий вазифаларини оммага тушунтиришга, КПСС Марказий Комитетининг съезддан кейинги Пленумлари ҳужжатларини тарғиб қилишга бағишланди.

Область партия ташкилотлари лекцияларнинг сифатини яхшилаш мақсадида лектор кадрларни тайёрлашга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Бу жиҳатдан область партия комитети қошида ташкил қилинган халқаро воқеаларни шарҳловчи лекторлар тайёрловчи икки йиллик мактабнинг иши эътиборга сазовордир. Ҳозиргача бу мактабни 100 киши битириб чиқди. Улар халқаро мавзуда лекция ўқишда актив фаолият кўрсатмоқда. Бу йил яна 100 киши бу мактабни битириб чиқади. Мактаб машғулотларида реферат ва лекция текстлари ёзилиб, ўртада муҳокама қилинади. Пухта тайёргарлик кўрган тингловчилар партия коллективларида ўз ўртоқлари ва малакали консультантлар иштирокида лекция ўқийдилар. Бундай тадбирлар одатда лекцияларни таҳлил қилиш билан якунланади, шу тариқа камчиликларга барҳам бериб борилади.

Область партия комитети қошида лектор-атеистларнинг доимий семинар-кенгаши ишлаб турибди. Лекторларга зарур амалий ва методик ёрдам кўрсатиш мақсадида шаҳар ва район партия комитетлари қошида ҳам доимий ҳаракатдаги семинар-кенгашлар мавжуд. Янгиер шаҳар партия комитети қошида ташкил қилинган оммавий-сиёсий билимлар кенгашининг тажрибаси ҳам эътиборга моликдир. Шаҳар партия комитети бюро аъзолари, совет, комсомол органларининг раҳбарлари, ташкилотларнинг бошлиқлари лекторлар семинар кенгашларида сўзга чиқиб, уларга тегишли ахборот бериб борадилар. Сирдарё давлат педагогика институти, Оқолтин гидромелиоратив техникуми, Боёвут қишлоқ хўжалик техникуми, Гулистон медицина билим юрти қошида ёш лекторлар мактаби ишлаб турибди. Уларда 300 дан кўпроқ ёшлар лекторлик маҳоратини эгаллашмоқда.

Лекторларга методик ёрдам кўрсатиш, улар билан ишлаш борасида Янгиер, Гулистон шаҳар, Сирдарё ва Ховос район партия комитетлари муайян ижобий тажриба орттирдилар. Лекция пропагандасини координациялаш совети «Билим» жамиятининг илмий-методик секциялари билан ҳамкорликда лекторлар томонидан ёзилган лекция текстларини муҳокама қилади, лекция пропагандасини олиб борувчи ташкилотларнинг ишини марказлаштиради.

Область партия ташкилотлари лекция пропагандасининг доимий формаларини ривожлантиришга ҳам эътибор бермоқдалар. Ўтган ўқув йилида областимизда 72 та халқ университети ишлаб турди, уларда 8000 дан ортиқ киши билим олди. Янгиер шаҳридаги медицина билимлари, Боёвут районидаги иқтисодий билимлар, Сирдарё районидаги турмуш ва маданият халқ университетларида машғулотлар аниқ программа асосида мазмунли олиб борилади, тингловчиларга пухта билим берилади. Халқ университетлари билан бир қаторда лекторийлар ва оммавий-сиёсий ўқувлар ҳам кенг қўлланилмоқда. Саноат ва қурилиш ташкилотларида, колхозлар ва совхозлар марказида, клублар ва маданият саройларида 80 дан ортиқ лекторийлар ишлаб турибди.

Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» асарлари асосида барча саноат, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхозларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, мактабларда китобхонлар конференцияси, циклли лекциялар, тематик кечалар ўтказилди.

Областимизда ягона сиёсий кунни ўтказиш одат тусига кириб қолган. Шу куни область, шаҳар ва район партия комитетининг бюро аъзолари, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг раҳбарлари, область, шаҳар, район ташкилотларининг бошлиқлари, лекторлар областимиз меҳнаткашлари билан учрашадилар. Улар партия ва ҳукуматимиз қарорларининг мазмуни, улардан келиб чиқадиган вазифалар, уларни бажариш йўллари билан меҳнаткашларни таништирадилар.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори идеология фронтининг барча жангчилари учун бўлгани каби биз — лекторлар учун ҳам ғоят катта амалий аҳамиятга эга. Биз шу қарор асосида ўз ишимизга бўлган талабни оширавeрамиз, қшга ижодий ёндашиб, лекция пропагандасининг янги, таъсирчан ва самарали форма, методларини жорий этамиз. Шу қарор асосида ишлаб чиқилган конкрет тадбирларни амалга ошира бориб, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга ўз ҳиссамизни қўшаверамиз.

Ҳ. МАМАТҚУЛОВ,
Сирдарё область партия комитети лекторлар группасининг раҳбари.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

⊙ ИЖЕВСК. «Аэропорт» турар жой массиви дастлабки онлаларни қабул қилди. Биноқорлар муддатидан илгари топширган уйларга олти юз оила кўчиб кирди. Мактаблар, болалар боғчалари, маиший хизмат корхоналари қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Массивнинг ўн икки микрорайонида юз мингдан кўпроқ киши истиқомат қилади. Ижевскда беш йиллик бошидан буён жами 1 миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой фойдаланишга топширилди.

⊙ ОЛМАОТА. Урим-йиғим фронти республиканинг шарқий чегаралари томон силжиди. Павлодар областининг хўжаликлари ҳам эртаги дон экинлари ўрим-йиғимини бошлаб юборишлар. Қозоғистоннинг Иртиш бўйидаги ҳамма далаларда (бу далалар сал кам 3 миллион 700 минг гектар ерни эгаллайди) 500 дан кўпроқ ўрим-йиғим транспорт отрядлари ипатоволиклар методи билан деярли кечаю кундуз ишламоқда. Ғалла ташишни элеваторлар қошида ташкил этилган диспетчерлик марказлари мувофиқлаштириб турибди.

* * *

Семипалатинск саёҳат ва экскурсиялар бюроси ташкил қилган туристлар маршрути қозоқ маърифатпарвар шоири Абай Қўнанбоевнинг ва таниқли совет ёзувчиси Мухтор Авезовнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқдир. Бу маршрут область марказидан бошланади. Бу ерда Абайнинг адабий-мемориал музейи ишлаб турибди. Туристлар ёзувчининг болалик ва ёшлик йиллари ўтган овулларда бўладилар. Бир миллиондан кўпроқ меҳмон шу ёз пайтида Қозоғистонга келади. Улар учун элликдан кўпроқ туристик маршрутлар очилган.

(ТАСС).

МУРАББИЙЛИК—ЁШ АВЛОДГА ҒАМХЎРЛИК

ҲАЁТ ТАЛАБИ

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида йиғит ва қизларни сиёсий, меҳнат ва ахлоқий жиҳатдан чиниқтиришни кучайтириш, уларни билимга, маданиятга, профессионал маҳоратга иштиёқ,халқ мулкини авайлаб асраш руҳида тарбиялашга катта эътибор берилган. Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифаларини комплекс ҳал этишда мураббийлик ҳаракатининг ўзига хос ўрни бор.

мураббийлик — кўп қиррали тарбиявий жараён, формаси, методи ва мазмуни жиҳатидан ранг-баранг бўлиб, ишлаб чиқариш коллективининг энг яхши вакиллари ёшларга ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонларнинг меҳнат, сиёсий, ахлоқ принципларини ўргатадилар. Республикамиз меҳнат коллективларида, жумладан, озиқ-овқат саноати корхоналарида мураббийлик ҳаракатини ривожлантиришда маълум тажриба тупланди. Бу ҳақда Озиқ-овқат саноати ишчилари касаба союзи республика комитетининг секретари Т. Д. ПАНЦИРЕВА «Совет Ўзбекистони» мухбирига қуйидагиларни гапириб берди:

— Ўзбекистон озиқ-овқат индустрияси ходимлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари ортиғи билан ўринлатиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Мусобақа пешқадамлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари ўз участкаларига жавоб беришгина қолмай, ўзларини ўртоқлари иши учун ҳам масъулият сезадилар. Улар бой тажрибалари, билимлари ва маҳоратларини касбдошлари билан баҳам кўриб, ишлаб чиқаришда ўзаро ҳамкорлик ва ёрдамлашиш муносабатларини янада ривожлантиришни таъминламоқдалар.

«Сафимизда бирорта ҳам қолоқ бўлмасин», «Сифат беш йиллигига — ишчи кафолати» сингари ватанпарварлик ҳаракатлари замирида юксак ахлоқий мазмун ётадики, улар совет кишисининг онглилигини, фикрларининг гўзаллигини, мақсад сари қатъият билан курашишини рўй-рост намойиш қилмоқда. Бу соҳада мураббийлик ҳаракати алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, у туфайли ёш авлод ўзи аъзо бўлган меҳнат коллективининг шонли анъаналарини тез ва ишонч билан эгаллайди. Аҳил ва дўстона коллектив мавжуд жойдагина ишлаб чиқариш ва социал масалаларни, олга сурилган улуғвор вазифаларни ҳамкорликда муваффақиятли ҳал этиш мумкин.

— Татьяна Дмитриевна, Ўзбекистон озиқ-овқат саноати корхоналаридаги мураббийлик ҳаракати ҳақида гапириб берсангиз?

— Республикамиз озиқ-овқат индустрияси корхоналарида 1700 нафардан зиёд мураббий ишлаяпти. Булар, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ўртоқ Л. И. Брежнев таъбири билан айтганда, юксак маҳорат эгаси бўлган, турмуш тажрибасига бой доимий ишчи кадрлардир. Улар талантли педагоглардир. Улар ўз ҳоҳишлари билан дил амрига қулоқ солиб, ёшларни меҳнатсевар бўлишга, моҳирликка ўргатмоқдалар.

Биз кучини ва вақтини аямай, билим ва тажрибасини катта меҳнат ҳаётига кириб борувчи ёш авлодга бераётган Қўқондаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли ёғ-мой комбинатининг пресслов-чиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эрмат Нурчаев, Каттақўрғон ёғ-мой комбинати слесари Юнус Юсупов, Тошкентдаги булка-кондитер комбинати 2-ишлаб чиқаришининг новвойи Носир Ортиқов, Тошкентдаги Жаҳон Обидова номли тамаки фабрикасининг фрезерчиси Василий Фирсов, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси ишчиси Роза Зиямуҳамедова сингари меҳри дарё кишилар билан фахрланамиз. Уларнинг ҳаммаси ҳақли суратда «СССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг ёшларнинг энг яхши мураббийси» фахрий унвонига сазовор бўлган.

Анна Ивановна Коптева мураббийлар орасида, айниқса, катта обрў қозонган. Бу меҳрибон аёл Кўқон нон комбинатида қирқ йил ишлаб, 90 нафар ёш ишчини тарбиялади. Шогирдларининг кўпчилиги ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш илғорлари сафидан мустаҳкам ўрин олиб, ўзлари ёшларга устозлик қилишмоқда. Корхона коллективи саратовликларнинг маҳсулотларни нуқсонсиз тайёрлаш системасини муваффақиятли жорий этаётган экан, бунда мураббийларнинг ҳиссаси каттадир.

— Касаба союз ташкилотлари бу қутлуғ ҳаракатни умумхалқ мулкига айлантириш учун қандай тадбирларни амалга оширмоқдалар?

— Жонажон партиямиз Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида касаба союз ташкилотларининг вазифалари аниқ белгилаб берилган. Озиқ-овқат саноати ишчилари касаба союзи республика комитети министрликлар, область, фабрика-завод касаба союз комитетлари билан ҳамкорликда мураббийлик ҳаракатини кенг авж олдириш, бу соҳадаги ишларни янада яхшилаш мақсадида мунтазам иш олиб бормоқда. Жумладан, ўтган йили 5—6 октябрь кунлари биз Озиқ-овқат саноати министрлиги ва Ўзбекистон Ленин комсомоли Марказий Комитети билан биргаликда Тошкентда ишлаб чиқаришнинг ёш илғорлари ва ёшлар мураббийлари республика слётини ўтказдик. У хўжалик раҳбарлари, комсомол ташкилотлари ва касаба союз ходимларининг мураббийлик ҳаракатини тараққий эттиришдаги навбатдаги вазифаларини белгилаб берди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ёш ишчиларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш кенгашлари мураббийларга катта амалий ёрдам беряпти. Корхоналарда уларнинг ташаббуси билан слётлар, тематик кечалар ўтказиш одат тусига кирди. Социалистик мусобақанинг таъсирчанлиги ва оммавийлиги ортди. Масалан, Озиқ-овқат саноати министрлиги ҳузуридаги кенгаш ташаббуси билан комсомол-ёшлар коллективларининг республика мусобақаси. «Ўзкасбиннинг устаси» номини олиш учун кўрик-конкурс ўтказилмоқда. Уларнинг натижалари ҳар ярим йилда чиқарилиб, ғолиблларга кўчма Қизил байроқлар, Фахрий ёрлиқлар, шунингдек, қимматбаҳо совғалар берилади.

Мураббийлик ҳаракатини кучайтиришда мураббийлар кенгашлари ва мактаблари ҳам баракали хизмат қилмоқда. Бундай кенгашлар кўпгина корхоналарда ташкил қилинган. Янгийўлдаги ёғ-мой комбинати, «Лаззат» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент булка-кондитер комбинати, «Ташкентпиво» бирлашмасидаги мураббийлар кенгаши фаолияти диққатга сазовордир.

Шу билан бирга, мураббийлик ҳаракатини ривожлантириш ўз ҳолига ташлаб қўйилган корхоналар ҳам йўқ эмас. Айрим хўжалик раҳбарлари илғор иш усулларини оммалаштиришга, социалистик мусобақанинг янги формаларини жорий қилишга етарли аҳамият бермаётирлар. Натижада улар бошлиқ корхоналарда ёшлар номигагина социалистик мусобақага жалб қилинган.

КПСС XXV съезди белгилаб берган улуғвор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш ҳар бир меҳнат коллективи, ҳар бир цех, бригада, ҳар бир ишчининг қандай меҳнат қилишига боғлиқ. Бунда малакали ишчиларни меҳр-муҳаббат билан тарбиялашга даъват этилган доимий ишчи кадрларнинг роли ниҳоятда улуғдир.

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 02-цехида ҳамма кекса ишчи Ҳусан Тўхтаевни ҳурмат билан тилга олади. У смена топшириқларини ошириб бажариш билан бирга аъло сифатли маҳсулот тайёрлашда ҳам бошқаларга ўрнак бўлаётир. Чапдаги суратда: корхонанинг «Олтин қўлли уста» фахрий номига сазовор бўлган ветеран ишчи Ҳ. Тўхтаев.

* * *

Тошкентдаги «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи 1979 йил биринчи ярми топшириқларини муваффақиятли адо этган эди. Ҳозир бирлашма ишчилари эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва кўпайтиришга интилиб, резервлардан унумли фойдаланмоқдалар.

Ўнгдаги суратда: бирлашманинг ишлаб чиқариш пешқадамларидан бири Валентина Мордовина.

И. Глауберзон фотолари.

ХАЛҚ МАОРИФИ ВА ДАВР ТАЛАБИ

САМАРАДОРЛИК—БОШ ВАЗИФА

Болалар — келажагимиз, бахтимиз. Уларни замонамизнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялаш муқаддас бурчимиздир. Наманган области маорифчилари ёш авлодни коммунистик эътиқод, юксак ватанпарварлик, чинакам интернационалистик руҳда тарбиялаб келмоқдалар.

Партия XXV съезднинг мактабларда таълим-тарбия самарадорлигини ошириш юзасидан берган кўрсатмалари ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг умумий таълим мактабларининг ўқувчиларига таълим-тарбия беришни ва уларни меҳнатга тайёрлашни янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарори ҳар бир педагог, олим ва мураббий учун дастуруламал бўлаётир.

Область партия комитети таълим-тарбия ишларининг самарадорлиги учун тинмай курашиб келаётир. Бутунги мактаб талабалари эртага завод ва фабрикаларда, шахта ва домна печлари ёнида, янги қурилишлар ва қўриқ зоналарда ишлашга пухта тайёрланмоқдалар. Улар партиямизнинг жанговар чақириқларини астойдил маъқуллаб, ўз меҳнатлари билан халқимизни қувонтиришга ҳозирланмоқдалар. Улар бутун қалб қарорати, жўшқин кучғайратларини коммунизмнинг улуғвор ва муқаддас ишига бағишлашга тайёрланмоқдалар.

Ёш авлодни меҳнатга тайёрлаш, оталарининг шонли анъаналарига садоқат руҳида тарбиялаш, айниқса, умумтаълим мактабларида намунали йўлга қўйилган. Бунинг учун энг аввало мактаблар билимдон, юксак педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчилар, меҳнат ва политехника таълими муаллимлари билан тўлдирилди. Эндиликда областимиздаги 260 дан ортиқ умумий таълим мактабларининг ўзидагина салкам 20 минг ўқувчи билим олмоқда. Юқори синфларнинг кўпчилик ўқувчилари шоферлик, тракторчилик, қурувчилик, тўқимачилик ҳамда тикувчилик каби ўнлаб касбларни ўрганмоқдалар.

Ёшларни меҳнатга тайёрлашда саноат корхоналарининг таълим цехларидан, мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларидан, касб танлаш кенгашлари иш тажрибасидан, мураббийлик ҳаракати анъаналаридан, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадаларидан, ҳунар-техника билим юртлари ва бошқа меҳнат бирлашмаларидан, мактабларнинг устахоналари, лабораториялари ва фан кабинетларидан самарали фойдаланмоқдамиз. Чунончи, ўтган ўқув йилида 13 мингдан кўпроқ ўқувчи ўндан ортиқ мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларида ҳунар ўрганди. Мактаблардаги 150 га яқин фан кабинети тракторчилик ва шоферлик касбларини ўргатишга мослаштирилди. 200 дан ортиқ кабинет эса қурилиш ва меҳнатнинг бошқа турларига йўналтириш учун яхшилаб жиҳозланди. 420 га яқин меҳнат-таълим бурчакларида ўқувчилар саноат корхоналари, йирик қурилишларда амалга оширилаётган ишлар билан таништириб борилмоқда. Буларнинг ҳаммаси таълим-тарбия ишини меҳнат билан уйғунлаштириш, ёш авлоднинг ишчанлик, ижодкорлик сифатларини такомиллаштиришга баракали таъсир кўрсатмоқда. Ўтган ўқув йилида 4 мингдан кўпроқ йигит-қиз етуклик аттестати билан бирга муайян касб бўйича гувоҳнома ҳам олди. Уларнинг сони бу йил янада ортади.

Улуғ рус рассоми И. Е. Репинга мухлислардан бири: сиз жуда қобилиятлисиз, деганида, у йўқ, мен қобилиятли эмасман, мен меҳнатсеварман, деган экан. Бу гапда маъно кўп. Агар ўқувчилар ўз билимларини, маҳоратларини меҳнатда ва ижтимоий ҳаётда намойиш эта олмасалар жамиятимизга, халқимизга манфаат келтира олмайдилар. Таълим-тарбиянинг самарадорлиги ҳам ана шунда.

Ҳаёт тез одимлаб бормоқда. Фан-техника революциясининг социал оқибатлари ёшларнинг онгига, уларнинг меҳнат характерига ҳам муҳим ўзгаришлар киритмоқда. Бу эса таълим ва тарбия жараёнларини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Район партия, совет ташкилотлари, бошланғич партия, комсомол ташкилотлари ҳам ёшларга тарбиясига алоҳида диққат эътибор билан қарамоқдалар. Бунинг самараси ўлароқ кейнги йилларда областимизда ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари ўзига хос маҳорат мактабларига айланди. Бу бригадалар фан асосларини пухта эгаллаш билан бирга ҳаёт дарсини, сабоғини олишлари учун ҳам муҳим омил бўлаётир. Областимизда 500 га яқин ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари мавжуд.

Норин районидаги 16-мактабнинг ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси коллективи арзон, сифатли пахта етиштириб ном чиқарди. Уларнинг самарали меҳнати муносиб тақдирланиб, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг олтин медали билан мукофотланди. Янгиқўрғон районидаги 26-мактаб ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси аъзоси, ҳозирда «Победа» совхози механик-ҳайдовчиси А. Жўрабоев машина теримида энг юқори кўрсатичга эришгани учун енгил автомашина билан мукофотланди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Учқўрғон, Задарё, Янгиқўрғон, Поп районларида йигит-қизларда меҳнат кўникмаларини ривожлантириш мақсадида тажрибали пахта усталари, чорвадорлар ўртасида мураббийлик ҳаракати авж олдириб юборилди. Бу тадбир ўқувчи ёшларнинг касб-ҳунарли бўлиш иштиёқини янада кучайтирмоқда. Задарё районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Гигант» колхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони З. Имомбердиев, Янгиқўрғон районидаги Ульянов номли колхозининг машҳур пахтакори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Эгамбердиев, Наманган районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Жўраев, Косонсой районидаги «Дўстлик» совхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Шарипов каби катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган ўнлаб мураббийлар ўзларининг илғор тажрибаларини ёшларга мунтазам сингдириб келмоқдалар.

Коммунистик партия, жонажон ҳукуматимиз халқ маорифи олдига масъулиятли ва шарафли вазифаларни қўймоқда. Уни муваффақиятли ҳал этиш биринчи навбатда бола тарбияси билан шуғулланувчиларнинг сифат составини мунтазам яхшилаб боришни тақозо этмоқда. Шу ўқув йилида малакали педагогларимиз сафига келиб қўшилган 800 дан ортиқ ёш мутахассиснинг ишдаги ютуқлари ёмон эмас. Улар ҳам ёшларни тарбиялаш мақсадида амалга оширилаётган тадбирларнинг хилма-хил, мароқли, қизиқарли бўлишига интилмоқдалар.

Мактаблар, техникумлар, билим юртлари ва олий ўқув юртларининг бутун тарзи, улардаги таълим-тарбия ишининг бутун жараёнида ҳар бир ўқувчида, студентда материалистик дунёқараши, коммунистик эътиқодни, меҳнатни севиш ҳис-туйғуларни вужудга келтириш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир. Ҳунар-техника таълими системасидаги талабаларнинг мактаб ўқувчилари билан учрашувлари, суҳбатларини ўтказиш анъанага айланиб колди. Кейинги йилларда йигит-қизларни ҳунар-техника таълими тармоқларига жалб этишда катта ютуққа эришилганлигининг боиси ҳам ана шунда. Агар бундан беш йил муқаддам областимизда 6 та ҳунар-техника билим юрти мавжуд бўлса, эндиликда уларнинг сони 25 тадан ошиб кетди. Уларда таълим олаётган ёшлар 12 минг кишидан ортиқдир. Беш йилликнинг ўтган даври мобайнида салкам 20 минг йигит-қиз ҳунар-техника билим юртларини битириб, ҳаётга йўлланма олди. Бунга ўқув-ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш, билим юртларини ишлаб чиқариш таълими мастерлари, педагог-инженер кадрлар билан тўлдириш туфайли эришилмоқда. Энг муҳими бу ўқув даргоҳларига ўрта мактаб битирувчиларини кўпроқ жалб этиш яхши самаралар бермоқда.

Меҳнат таълими — бахт таълимидир. Бир қатор районларнинг халқ маорифи бўлимлари, кўп сонли педагоглари ўқувчиларга меҳнат таълими беришнинг хилма-хил формаларидан моҳирлик билан фойдаланмоқдалар. Учқўрғон районида амалга оширилаётган ишларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Бу ердаги барча мактабларда ўқувчиларни ижтимоий-фойдали меҳнатга тайёрлаш намунали йўлга қўйилган. Йигит-қизлар назарий билимларни пухта эгаллаш билан бирга ўзи истаган касблардан бирини ўрганади. Бунинг учун касб танлаш кенгашлари ҳар бир ўқувчи билан алоҳида-алоҳида суҳбатлар ўтказади. «Сен ким бўлмоқчисан? мавзуида мунозаралар, суҳбатлар, учрашувлар ўтказилади. Райондаги «Андижон», «Учқўрғон», Ленин номли хўжаликларда сувчилик, чўпонлик, сут соғувчи ва механизаторлик касбларини ўргатувчи маҳорат мактаблари ташкил этилган.

Область партия комитети коммунистик онглилик, юксак эътиқод, одамларни коммунизм қуришга тайёр, иродали ва ўқувли қилиб тарбиялашни ўзининг доимий иши деб ҳисоблайди. Мактабларимизни ҳаёт билан, ижтимоий-фойдали меҳнат билан янада мустаҳкамроқ боғлашда оталиқ ташкилотлари беқиёс ёрдам кўрсатмоқдалар. Умумий таълим мактаблари улуғ Ленининнинг меҳнат, политехника мактаби тўғрисидаги принципларини изчиллик билан амалга ошираётган чинакам умумхалқ мактаби бўлиб қолди. Биз бундан буён ҳам легинча таълимни, унинг самарадорлигини ошириш учун бутун куч ва имкониятларни сафарбар этаверамиз.

Х. АҲМЕДОВА,
Наманган область партия комитети бўлим мудири.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА

МУСОБАҚА—МУВАФФАҚИЯТ МЕЗОНИ

Иштихон ва Каттақўрғон районлари бир-бири билан мусобақадош. Икки район меҳнаткашларининг анъанавий мусобақаси туфайли халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида, айниқса, пахтачиликда катта муваффақиятларга эришилмоқда. Мусобақанинг хўжалик ишларига ижтимоий-сиёсий ҳаётга ва маънавий вазиятга таъсир ўтказаётганлиги, хусусан, бу йилги шароитда республикамизнинг 5 миллион 700 мин тонналик улкан «оқ олтин» хирмони учун олиб борилаётган катта курашга қўшаётган ҳиссаси икки район коллективлари эришаётган ютуқларда ўзининг яққол ифодасини топаётир.

Ана шу ютуқлар ва районлар меҳнаткашлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида **«Колхоз ҳаёти»** (Иштихон), **«Зарафшон»** (Каттақўрғон) газеталарининг навбатдаги қўшма сонида атрофлича ҳикоя қилинган.

Шунингдек, Андижон область Олтинкўл районида чиқадиган **«Коммунистик меҳнат учун»**, Наманган область Поп районида чиқадиган **«Коммунизм учун»** газеталарининг мусобақага бағишланган қўшма сони ҳам бугунги долзарб вазифа — ғўза парваришини муваффақиятли ўтказишга бағишланган. Ҳар иккала қўшма сонда берилган материаллар мазмун-мундарижаси билан газетхонлар диққатини жалб этади.

ЗАФАР МУБОРАК

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

Яқинда Москвадан хушхабар олинди. СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети коллегияси ва Маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитети президиуми полиграфия саноати корхоналари ҳамда китоб савдоси ташкилотлари ўртасидаги иккинчи квартал мусобақаси якунларини кўриб чиқдилар. Шунга кўра Тошкентдаги «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташкнига» шаҳар китоб савдоси бошқармаси ва Хоразм область босмахонаси коллективлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби деб топилиб, улар кўчма Қизил байроқ ҳамда биринчи пул мукофоти билан тақдирландилар.

«Матбуот» бирлашмаси ишчи ва хизматчилари иккинчи кварталда ҳар қачонгидан ҳам яхши ишлаб, босма маҳсулот реализация қилиш планини 103 процент бажардилар. Жами 2 миллион 35 минг сўмлик маҳсулот реализация этилди. Бу, ўтган йилнинг шу давридагидан 4,7 процент кўп, демакдир. Бирлашма коллективи бундай муваффақиятга янги замонавий техника ва технологияни жорий этиш, меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш, моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбирларидан самарали фойдаланиш, энг муҳими босмахоналар, цехлар, бригадалар ва ишчилар ўртасида социалистик мусобақани омилкорлик билан уюштириш туфайли эришди.

«Ташкнига» китоб савдоси бошқармаси эришган муваффақиятлар янада қувонарлидир. Бошқарма ходимлари товар обороти квартал планини 107,4, ярим йиллик топшириқни эса 107,8 процент адо этдилар. Ярим йил ичида аҳолига 3,3 миллион сўмлик китоб сотилди. Шуниси мақтовга сазоворки, коллектив эски ва нодир китобларни сотишни ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. Сўнги пайтларда аҳолидан эски китобларни харид қилиш топшириқлари мунтазам равишда ошириб бажарилмоқда. Социалистик мамлакатлар китоблари ўн кунликлари, Халқаро болалар йилига бағишланган китоб кўргазмалари, китоб бозорлари , конкурс ва викториналар тез-тез ўтказиляпти.

Хоразм область босмахонаси колективи область газеталарини ўз вақтида ва сифатли қилиб нашр этишга даъват этилган. Буни яхши тушунган хоразмликлар иккинчи кварталда область газеталарининг барча сонларини графикда белгиланган вақтда чиқариб, уларнинг полиграфия ижроси юқори сифатли бўлишини таъминладилар. Бундан ташқари босмахона коллективи маҳсулот ишлаб чиқариш ва фойда олиш планларини анча ошириб ўринлатишга эришди.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетига қарашли корхоналар ва ташкилотларнинг коллективлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини барвақт ўдалаш учун ўзаро социалистик мусобақада янги-янги муваффақиятларни қўлга киритишга қатъий қарор бериб ишламоқдалар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Коммунистик районидаги «Юқори Чирчиқ» совхози боғбонлари узум узишни қизғин давом эттирмоқдалар. Улар бу йил 180 гектар токзордан кўплаб узум узиб олишмоқчи. Суратда: совхознинг илғор ишчиларидан Карима Сиддиқова ва Ҳамида Иброҳимовалар.

Г. Пун фотоси, (ЎзТАГ).

МЎЛ ОЗУҚА БАЗАСИ

Фарғона районн хўжаликларининг чорвадорлари сурхондарёликлар ташаббусига кўшилиб, чорва учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш юзасидан салмоқли ишларни амалга оширмоқдалар. Улар бу йил силосдан ташқари 35 минг тонна табиий ем-хашак жамғариш мажбуриятини олганлар. 12 минг 300 тонна сенаж бостириш планлаштирилган эди. Бу топшириқ бирмунча ошириб адо этилди. Яна 16,5 минг тоннадан мўлроқ сенаж бостириладн. Чорва молларнинг хушхўр озуқаси ҳисобланган сенаж бостириш айни кунларда қизғин давом эттирилмоқда. Райондаги Ильич номли, Димитров номли колхозларда, шунингдек, Усмон Юсупов номли совхозда шу хилдаги озуқа тайёрлашда, айниқса, ибратли ишлар қилинаётгир.

Шунингдек, Бувайда, Ленинград районларида ҳам сенаж бостириш планлари ортиғи билан адо этилди. Бу районларда табиий ўтлар ҳисобига ем-хашак жамғариш борасида катта тадбирлар амалга оширилаётир.

О. ҲАКИМОВ,

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари

ЧОДРАЛИ АЁЛ

(АФГОН ҚИССАСИ)

МИРМУҲСИН,

Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати

Мирмуҳсин шу йил СССР ёзувчилари союзи делегацияси составида Афғонистонда бўлди. Сафар натижасида «Чодрали аёл» номли янги повесть ёзди. Асар Афғонистондаги Апрель инқилобига бағишланади. Қуйида шу повестдан парча ўқийсиз.

СОҚОЛЛАРИ ўсиб, қуруқ устихон бўлиб қолган Муҳаммад Амин Сидқий нур тушмайдиган чўқур цемент камерада ёлғиз ўтирарди. Гуноҳсиз гуноҳкор! Йўқ, — дерди у ўзига ўзи, — жаллодлар ўз душманларини билиб бу ерга ташладилар! У, дарҳақиқат, Довуд тузумининг душмани. У: афғон деҳқонлари қул эмас, ўзларини меҳнат қилган ерга ўзларн эга бўлсинлар, деди. Заминдорлар зулукдек деҳқон қонини сўрмасин, деди. Халқ саводхон бўлсин, оқ-у қорани танисин, деди. Хотинқизлар ҳам инсон, улар молдек сотилмасин, деди. Бу гаплар ҳазилакам сиёсат эмас. Бу ҳаракатлар билан Сидқий, у мансуб бўлган партия тузумнинг жирканчлигини очиб ташлади. Албатта у Довуд-у Зоҳиршоҳ тузумининг душмани. Боланинг ўлими воқеасини ҳам у камерада эшитди. Сиёсатдаги воқеаларни қамоқда ётганлар ҳаммадан аввал эшитишади. Ҳа, у тузум душманн. Генерал Тохер Халқ партиясини тиз чўктириш, унинг фаол аъзоларини беобўр қилиб, йўқотиш йўлида ҳар қандай пасткашликлардан, хунхорликлардан қайтмайди. Ёлғон ҳам тақайди, номардларча қоронғуликда ханжар ҳам уради. Бу жирканч тузумда бойлик орттириш, шўхрат-у мансабида доимо барқарор бўлиш учун йўлида тўғаноқ бўлганларни кўтариб ташлайди, мўмин-ғарибларни чумолидек босиб ўтиб кетаверади. Булар — шунақа. Шулар ҳам афғон, шуларни ҳам она туққан-а!

Бундай гапларни у минг бор дилидан ўтказган. Зах камера деворларига тикилиб, цемент девор юзидаги шўрлаган, кўчган, ёрилган чизиқлар-у ердан зах сирқиб, нам бўлиб турган жойларни Афғонистон харитасига ўхшатарди. Афғон ери кўп: жаннат ҳам шунда, дўзах ҳам шунда... Бой ҳам шунда, ғариб ҳам шунда. Бировлар гадо, нонга зор, бировлар «Форд» машиналарида кеккайиб ўтириб, минг-минглаб афғонийларни совурмоқда. Бировлар тахтда, бировлар зиндонда... Афғон шунақа!

Бари-бари Сидқий кўнглидан ўтиб, кўз олдида пайдо бўлди. Лекин у ҳозир бу лар ҳақида эмас, кейинги икки кун ичида ҳали бир ёшга тўлмаган чақалоқ ўғлини — Муродни ўйларди. Оталар бир яшар боласи кулгусини эшитмаса — дунёга келишнинг аҳамияти йўқ, деган экан бир донишманд. Сидқий гўзал Мадина-ю, бир яшар ўғли Жамолидан маҳрум. Қамоқда ҳам кун деб аталса, ҳар куни унинг тушига чақалоғи кирарди. У анча катта бўлиб қолгандай, отаси билан гаплашадиган бўлиб қолгандай кўринарди. Бахтимни топдим, деганда Мадинанинг яна кулфатга дучор бўлганини ҳам ўйларди. Қайси гуноҳларим учун бунча менга кулфат ёғдирасан, э, худо! — дерди баъзан ўраги сиқилиб, мусулмонлар бир-бирини ғажийди, туҳмат қилади, қамайди. Шу ҳам мусулмонлик бўлдими? Агар мен қайтиб чиқсам, нима қилишимни ўзим биладим. Мен энди одамлар ичида ваъз айтиб юрмас эдим. Мен автомат ушлаб, Саройга ҳужум қилардим. Мен кичик офицерларни, солдатларни қуроллантириб, Саройга бошлаб борардим. Устоз Тараки айтганидек, фақат қуролли ҳужум билан биз озодликни қўлга киритишимиз мумкин. Дунё пролетариатининг улуғ доҳийси Ленин қуролли қўзголонсиз ишчи ва деҳқонлар диктатурасини тузиб бўлмайди, деган. Бизнинг буюк йўлбошчимиз ўртоқ Тараки афғон пролетариати, камбағал деҳқонларини курашга отлантирмоқда. Мен, ана шу озодлик курашининг биринчи сафидаман. Мен, Ҳафизулло Амин Аслом Ватанжор, Хейали Катавозе, Шаҳ-Навоз, Жалилий, Баҳромиддин, Нурзайлар сафидаман!

Ўлик қамоқхона ертўласидаги кичик бир камерада ҳаёт умидлари, интиқом ҳаяжонлари, режалар, ўйлар тугён урарди. Зах бир хонада юрак гурс-гурс тепиб, покиза қизил қон томирларда оқарди.

Уч кундан сўнг наврўзи олам — жиҳрия бўйича янги 1356 йил (мелодий 1977 йил) киради деганда, эрта тонг отарда камера эшиклари шарақ-шуруқ очилиб, терговчи, барзанги ва яна икки қамоқхона нозири йўлакда пайдо бўлишди. Терговчи билан тирноқлари орасига ғаров тиққан барзанги камера ичига бир-икки қадам ташлаб кириб, бурчакда ўтирган Сидқийга тикилди. Бу ўттиз яшар йигит эмас, соқол-соч дарининг ўсиб кетганидан етмиш ёшлардаги чолга ўхшарди. Қовурғалари чиқиб, ўрнидан туришга мажоли ҳам йўқ эди.

— Гуноҳкор Сидқий, таҳорат олиб, бомдод намозини ўқиб оласизми? — деди терговчи унга чақчайиб, — жазо соати етди! Қўлтиғингиздан кўтаришиб ёрдам беришсинми?

— Йўқ! Ўзим бораман! — деди ўрнидан туриб Сидқий, — эшикни тўғнизга ўхшаб тўсманглар. йўлни очинглар! — у бошини кўтариб, эшикка томон қадам ташлай бошлади. Оҳ-воҳ қилади, ёлворади, ўрнидан туролмайди, деб хаёл қилган барзангининг руҳи тушиб, юзидаги кулгиси йўқолди. У негадир бу жасур йигитдан қўрқа бошлади. Сидқий ҳатто қамоқхона қоидасини бузиб, вақтида овқат бермай, тозаламай, табиий ёрдам бермай қийнаганларига ҳам қарамай, ўрнидан туриб, бошини баланд кўтаргани барзанги юрагига гулгула солди. Агар мамлакат ичидаги ҳамма халқчилар шунақа бўлса, улар билан олишиш жуда амри маҳоллигини дилидан ўтказди.

Сидқий ўзини тутиб, мадорсизлигини сездирмай камерадан чиқиб, автоматчилар орасини ёриб ўтиб, ярим қоронғи йўлакда ўн-ўн беш қадам юргач, чапга бурилиб, илгари барзанги ишора қилиб айтгани — одам отадиган ертўла эшигига келди. Терговчи билан барзанги бирбирларига қараб қўйишди. Эшикка яқинлашгач, Сидқий орқадаги терговчига қаради.

— Киравер! — деди барзанги.

Сидқий зинапоядан пастга тушди. Узун, катта ертўлада яна беш-олтита автомат ушлаган полициячилар хўмрайиб турарди. Узун ертўла бошида, девор тагида икки одам бор, уларнинг бири беҳол, ерда ўтирар, иккинчиси деворга суяниб аранг турарди.

— Ўшалар ёнига бор! — деди барзанги Сидқийга.

Сидқий улар ёнига бориб, ерда беҳол бош солиб ўтирган Абдулмўминга мурожаат қилди:

— Дўстим, ўрнингиздан туринг! Биз қўрқоқлардан эмасмиз!

У бошини кўтариб, тепасида Сидқий турганини кўрди, инқиллаб ўрнидан туриб, деворга суянди. Бу томонда турган Мир Ҳожи Ёқуб ўғли ҳам бир оз ўзини тутди.

— Азизлар! Ўртоқлар! Энди маҳшар куни оллонинг ҳузурида юз кўришамиз, — деди Сидқий, — бошингизни баланд кўтаринг! Қазони мард туриб қабул қиламиз. Йўқолсин ғаддор Довуд, жаллод генерал Тохер, Расулийлар истибдоди! Яшасин Халқ-демократик партияси, севикли устозимиз Нурмуҳаммад Тараки!

Ярим қоронғи ертўланинг бериги томонида қатор турган автоматчилар барзангининг ишораси билан «тар-р-р» этиб, ўт очишди. Девор олдида қаддиларини тик кўтариб турган уч киши бирдан ерга йиқилди. Уларнинг кўксидан, оғзидан, бўйнидан тирқираб оққан қон цемент ерда икки-уч кичик ариқча бўлиб оқиб ертўла бурчагидаги чуқурга қуйила бошлади...

* * *

САДР АЪЗАМ неварасини «ўлдиришда қатнашган»лардан Сидқий ва бошқаларнинг отилгани ҳақида газетада қисқа ахборот берилди. Бу билан ҳукумат ва полиция халқни қўрқитиб, баъзи «вайсақиларнинг» ғоғугини пасайтириб қўймоқчи бўлди. Сидқий қатли ҳақидаги ахборот учинчи бетга, бошқа мақолалар орасига кўримсизгина қилиб берилган бўлса ҳам, катта шовшувга сабаб бўлди. Газета тезда сотилиб кетди. «Лаби дарё» бозори. Аҳмадхон расталарида, дўкондорлар олдида одамлар тўпланиб, бирбирларидан сўрашарди...

Эрта тонгда Ойшахоним ўғли билан Мадиналарникига кириб, келди, У ниҳоятда босиқ, ниҳоятда паришон эди. Очиқ чеҳра билан кутиб олиб, ишларнинг яхши юришиб кетганини айтмоқчи бўлиб ,оғиз очлаган Мадинани тўхтатди.— Мен жуда қайғули хабар олиб келдим. Ўзингизни қўлга олинг. Қазони яшириб бўлмайди...

— Нима? Нима дедингиз?!

— Қонхўр Довуд ҳукумати Муҳаммад Амин Сидқийни отган.

Ойша хонимнинг оғзига тикилиб турган Мадинанинг бирдан ранги оқариб, ломмим демай, чақчайиб қараб қолди. Бир лаҳзадан сўнг у гандираклаб ерга гурсиллаб йиқилди.

— Сув, сув беринглар! — деди Ойша хоним ерда ётган Мадинани қучиб. — Бор, Абдураҳмон, хона ичидан пиёлада сув олиб чиқ! Азизам, Мадина, кўзингизни очинг!

Бу гўфтигуни эшитган кампир сарпочан ҳовлига чиқди.

— Сув, сув олиб чиқинг? — деди Ойша хоним.

Кампир ҳам, Абдураҳмон ҳам бири стаканда, бирлари челакда сув олиб чиқишди. Ойшахоним, пақирдаги сувдан ҳовучлаб олиб, Мадинанинг юзига сепди. Сув ичиришди... У бир оз ўзига келгандек бўлди.

—Айтмасга иложим йўқ. она, қонхўр Довуд ҳукумати бегуноҳ Муҳаммад Амин Сидқий жаноблари отган...

Кампир ҳеч ҳамма фотиҳа тортди: «Оллоҳу акбар...»

— Ўлимни яшириб бўлмайди, мен сизларни огоҳ қилиб, ёнингизда туриш учун келган эдим. Сидқий жаноблари қутқариб ололмадик, Сидқий жаноблари чин инсон эди. У киши халқимиз қаҳрамони. Кўчаларда шов-шув, ҳукуматимизнинг бу қотиллигидан ғазаблари қўзғаган одамлар ҳамма ерда тўпланиб, лаънатламоқда.

— Одамлар?.. Кўчаларда?.. — Мадина бироз ўзига келиб, Ойшага савол берди.

— Ҳа, азизим, бу фожиани ҳамма эшитиб, ғазаблари ўт олган. Садр Аъзам ғаддор Довуднинг неварасини қиморбозлар ўлдирган. Уларнинг бири ўзи бориб айтибди. Қамашибди. Лекин Халқ партиясига зарба бериш учун бегуноҳ Сидқий ва яна икки кишига сохта айб қўйиб, отишган. Мана, бор ғаш шу. Шаҳарда ҳамма бу найрангбозликни билиб, дарғазаб бўлиб турибди.

— Энди нима қиламан, опажон! Вой, мен адо бўлдим! Мен энди нима қиламан! Мен шундай бахтсиз одамманми? Менинг болам етим қолаверадими?! Мен энди нима қиламан, — у кўксини чангаллаб, юлиб оҳ-воҳ қила бошлади.

— Мадина, азизим, йиғлама! — деди Ойша, — ўрнингдан тур! Сенинг эринг Сидқий жангда қалоқ бўлди. Ўзингни қўлга ол! Эрингнинг ўрнини бос! У йиқилган бўлса, сен ,ҳали тириксан, унинг қўлидан тушган қуролни сен ол!

— Опахон, мен ҳозир Довуднинг ёнига бораман! Мен унинг грибонидан ушлайман! Мен боламни кўтариб бораман! Мен ўт қўяман! Мен... бу Кобулни ёндириб юбораман.

— Мадина! Менга қулоқ бер! Тушдан кейин машинахона, босмахона, ёғ-совун заводи ишчилари Жаддан Майванд, Боғи умум майдонига тўпланишади. Бу иш ташлашни партия уюштирмоқда. Намойишда Устоз ҳам, Ҳафизулло ҳам бўладилар...

— Мен энди нима қиламан, опажон, менга энди бу дунёнинг нима кераги бор?!

— Сен эринг ўрнида халққа кераксан! Сен фарзандинг учун кераксан! Бизлар учун яшашинг керак! Агар сен уни ҳақиқатан ҳам яхши кўрсанг, адолат учун курашасан! Пир бобо ёнига бор, бу гапни айт! Маҳаллага айт, қўшниларингга айт. Дўстларингга айт! Аҳмадхон растасига бор, ундаги тикувчиларга айт! Ҳаммага айт! Вақтни қўлдан бермай айт! Ҳаммаҳамма пешин номозидан кейин Жаддан Майванд, Боғи умум майдонига тўплансин! Ундан Саройга борамиз. Мен кетдим, ўзингни қўлга ол.

Мадина кўзларида оташ. У ҳовли ўртасида ёлғиз қолди. Қани энди ўша қозиқда осиғлиқ турадиган тўппонча ёки тафанг бўлса-ю уни олиб, Сароига югурса, ғаддор Довуднинг кукрагидан отиб ташласа.

Мадина кампир кўтариб чиққан боласини эмизди, ободон тўйдириб эмизди-да, бошига чодрани илиб, дод солиб, маҳаллани айланди. Бу хотин жинни бўлиб қолибди, дея хаёл қилган дўкондорлар ёнига бориб, бегуноҳ эрини отишганини айтди. Қўшниларникига кириб, пешин номозидан сўнг Боғи умум майдонига боравершларини айтди. Бу гап оғиздан-оғизга ўтди. Уни отилган Сидқийнинг хотини эканини одамлар билишди. Шундан сўнг Дорил-омон томон югуриб, тоғга тирмашиб, юқориққа кўтарилди. Пир бобо ҳовлисига телбалардек кириб, Сидқийни отишгани, одамлар Боғи умум майдонига тўпланиши кераклигини айтди. Ундан кейин Аҳмадхон растасига югурди, бундаги тикувчи дўкондорлар ёнига бориб, Сидқий рафиқаси эканини, Сидқийни отишганини айтди, Боғи умум майдонига одамлар боравершн, деб яна шамолдек растадан чиқиб кетди.

Қобул кўчаларида югуриб, дод солиб юрган чодрадаги аёлни одамлар кўриб, аввал телба дейишарди. Лекин баъзилари уни бугунги газетада хабар қилинган Сидқий фожиасига алоқадор эканини, унинг ё сингласи ё рафиқаси эканини билишарди. Аҳмадхон растасида шу лаҳза дуддув гап тарқалди, баъзи дўкондорлар пешинни кутиб ўтирмай, дўконини ёпиб, Жаддан Майванд, Боғи умум томон юра бошлашди. Пир бобо телбасифат, зир югуриб юрган Мадинага раҳми келиб, ҳовлида хизмат қилиб юрганларга: тезда ҳамма тикувчиларга айтинглар, Боғи умум, Жаддан Майвандга борсинлар! Бу ғариб бечора хотиннинг дардига шерик бўлсинлар. Довудшоҳнинг Зоҳиршоҳдан ҳам зулми ошиб кетди, деди.

Сиёсий курашларга ноқобил, фақат еб-ичишни биладиганлар, деб ҳақоратлашлари жонига теккан, камситиладиган, юраги аламга тўлган халқ, бир нидога зор эди. Қишлоқлардан хароб бўлиб келиб, Кобул бозорларини тўлдирган ҳаммоллар, айниқса, ҳуқуқсизликда эзилган ўзбеклар, туркманлар, тожиклар дўкондорлар хизматида, товонлари ёрилган, эртадан кечгача юк ташишарди. Жонидан тўйган ғариблар очликка чидарди-ю, лекин камситилиш, ҳақоратга чидаша олмасди. Сидқий фожиаси билан Довуд ҳукумати халқни қўрқитмоқчи бўлди. Лекин бунинг акси бўлиб чиқди. Одамларнинг ғазаби қўзғади. Бу сирли фожиани саводлилардан кўра ҳам саводсизлар яхши фаҳмлаган эди. Қимор аҳли афион егандек ёмон йўлга кирганини ўзлари, ёлғон гап айтганликларини халқ биларди. Шу сабабли ҳам Сидқий фожиасини аниқ билиб, Довуд ҳукуматига қарши халқ ғазаби ўт олди...

Оламда нима гап

БУГУН СССР БИЛАН ҲИНДИСТОН ЎРТАСИДА ТИНЧЛИК, ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА ИМЗОЛАНГАН КУНГА 8 ЙИЛ ТЎЛДИ

ТИНЧЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ НЕГИЗИДА

Ҳиндистонда ёз фасли жуда иссиқ келди. Туш пайтида термометрнинг симоб устуни қирқ даражагача кўтарилиб, кишиларни ўз уйларидан бошпана топишга мажбур этди. Уйларда вентиляторлар кундузи ҳам, кечқурун ҳам тўхтовсиз ишлаб турибди. Ҳатто мусон ёмғирлари ҳам Ҳиндистон пойтахтининг жазирама иссиғини пасайтира олмади.

Бу йилги ёз фаслининг яна бир хусусияти шуки, Деҳлида сиёсий вазият мисли кўрилмаган даражада кескинлашди. Икки йилдан кўпроқ ҳокимият тепасида турган М. Десаи ҳукумати яқинда истеъфо берди. Ҳиндистон матбуотининг таъкидлаб ўтишича, ҳукмрон партия — Жаната партининг зарур проблемаларни ва аввало иқтисодий проблемаларни ҳал эта олмаганлиги мамлакатнинг сиёсий ҳаётидаги ўзгариш сабабларидан биридир. Кейинги 12 ой мобайнидагина озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи 4,9 процент, кенг истеъмол моллари 11,9 процент ошди. Халқнинг пул қадри тушиб кетганлигидан норозилиги кучайиб, бунинг натижасида порт ходимлари, темирйўлчилар, банк хизматчиларининг забастовка ҳаракати гоят кенгайиб кетди. Бу ҳол янги ларзаларни ҳам вужудга келтирди. Масалан, миллий экономиканинг ўсиш суръатлари икки баравар қисқарди. Помешчиклар ва қулоқлар шафқатсиз эксплуатация қилаётган деҳқонларнинг энг камбағал табақалари ўртасида ҳам социал ҳаракат кучайди.

Яқинда мамлакатда янги, коалицион ҳукумат қасамёд қилди. Ҳукумат составига ҳали яқиндагина тузилган янги сиёсий партия — дин таъсиридан ҳоли бўлган Жаната ва Ҳиндистон миллий конгрессининг вакилларигина ўтди. Ҳукумат қасамёд қилгандан кейин журналистлар кабинет бошлиғи Чаран Сингхга шу юксак лавозимни эгаллаганингизда кейин ўзингизни қандай ҳис этмоқдасиз, деган саволни беришди. Янги бош министр уларнинг саволларига жавоб қайтариб, «мамлакат олдида турган проблемаларнинг жиддийлигидан ташвишга тушиб қолдим», деди.

Ҳиндистоннинг иқтисодий ва сиёсий проблемалари қандай ҳал этилажагини яқин келажак кўрсатиб беради. Ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсат масалаларида тутадиган йўли ишлаб чиқилмоқда. Аммо Ҳиндистон матбуотининг уқтириб ўтишича, асосий мезонлар, аввало ташқи сиёсий программалар ҳозирнинг ўзидаёқ кўриб чиқилмоқда. Ҳиндистон бундан буён ҳам барча мамлакатлар билан, шу жумладан Совет Иттифоқи билан дўстона алоқаларни ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат анъанавий сиёсатни давом эттиравераді. Ҳиндистонда шу кунларда Ҳиндистон — Совет дўстлиги ойлиги ўтказилмоқда. Бу ойлик СССР билан Ҳиндистон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида 1971 йил 9 августда имзоланган шартноманинг саккиз йиллигига бағишланган. Бу йил анъанавий ойликда миллионмиллион ҳиндлар қатнашадилар. Ҳиндистоннинг ҳамма қисмида шу жамиятнинг 2 мингта бўлими ташкил этилган. Бу бўлимларнинг ҳар бири ойлик доирасида совет кишиларининг ҳаёти ва меҳнатига, ҳар икки мамлакат халқларининг дўстлигига бағишланган оммавий митинг, намойишлар ўтказади, фотовиставкалар ташкил этади.

Ойликнинг биринчи кунлариёқ ҳиндлар совет ҳаёти билан гоят қизиқаётганликларини кўрсатди. Минг-минглаб кишилар «Коммунист ҳақида қисса» фильмини томоша қилдилар. Бу фильм замонамизнинг атоқли давлат ва сиёсий арбоби, тинчлик, кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш учун толмас курашчи Л. И. Брежневнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қиладн. Ҳиндистонда ҳинд халқининг улуғ дўсти Леонид Ильич Брежневни яхши биладилар. Л. И. Брежнев бир неча бор шу мамлакатда бўлди.

Ҳиндистон—Совет маданий алоқалар жамияти президентининг ўринбосари, янги ҳукуматнинг молия министри Х. Н. Бахугуна ТАСС мухбири билан суҳбатда шу ойликнинг аҳамияти тўғрисида гапириб, Совет —Ҳиндистон шартномаси ҳар томонлама жуда катта роль ўйнаётганлигини таъкидлади. «Бу шартнома, — деди у, — ҳар икки мамлакат халқларининг миллий манфаатларига тамомила мос бўлиб тушиш билан чекланмай, инсониятнинг мустаҳкам тинчликка эришиш йўлидаги жуда катта босқич ҳамдир. Бу шартноманинг хусусияти шундан иборатки, у, учинчи мамлакатларнинг бирортасига ҳам қарши қаратилмаган. Шартноманинг асосий мақсади — турли сиёсий системадаги давлатларнинг тинч-тотув яшашини таъминлашдан, ривожланаётган мамлакатларнинг юксалиш йўлини топиб олишда кўмаклашишдан иборат».

Маҳаллий матбуот шу кунларда Ҳиндистонни мисол қилиб келтириб, Совет Иттифоқининг миллий экономикани мустақил ривожлантиришдан иборат янги йўлга ўтиб олган ёш давлатларга бераётган ёрдами жуда катта аҳамиятга молик эканлигини кенг ёритмоқда. СССР билан ҳамкорлик экономиканинг асосий тармоқларини ривожлантириш соҳасидагина эмас, балки Ҳиндистон олдида турган муҳим социал проблемаларни, шу жумладан, мамлакат территориясида ишлаб чиқарувчи кучларни бир текис ривожлантириш ва қолоқ районларни ўзлаштириш, аҳолини кўпроқ иш билан таъминлаш ва ишсизликни қисқартириш, аҳоли фаровонлигини ўстириш вазифаларини ҳал этиш соҳасида ҳам катта роль ўйнайди. Ҳиндистоннинг миллий кадрларини тайёрлаш ҳам Ҳиндистон—Совет ҳамкорлигининг асосий йўналишларидан биридир. Кейинги 20 йил ичидагина олий ва ўрта маълумотли юз мингга яқин мутахассис, шунингдек юқори малакали ишчилар тайёрланди.

Совет—Ҳиндистон ҳамкорлигининг ўзига хос яна бир хусусияти бор. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг 1973 йилда ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигиннинг 1979 йилда Ҳиндистон раҳбарлари билан олиб борган музокаралари давомида ҳар икки мамлакатнинг иқтисодий, савдо-сотиқ ва илмий-техникавий ҳамкорлиги юзасидан узоқ даврга мўлжалланган программаси ишлаб чиқилди ва имзоланди.

Ҳиндистон матбуотининг таъкидлаб ўтишича, кейинги йилларнинг асосий сиёсий якуни савдо битимларининг сони кўпайганлиги ва иқтисодий алоқаларнинг ўсишига доир рақамлардангина иборат эмас. Ҳар икки мамлакат халқларининг дўстлиги ва ҳамжиҳатлиги янада кўпроқ мустаҳкамланди, мамлакатларимизнинг яхши қўшничилик муносабатлари янги босқичга кўтарилди.

Б. ЧЕХОНИН,
(ТАСС мухбири).

ВЬЕТНАМ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

ВСР Ташқи ишлар министрлиги қуйидаги баёнотни берди. Вьетнам АҚШ конгресси делегациясининг аъзоларидан бири ВСРга қарши туҳмат гапларни айтганлиги муносабати билан шу делегацияни қабул қилишдан воз кечади.

ВИА агентлиги хабар қилганидек, яқинда АҚШ ВСРга мурожаат этиб, «қочоқлар проблемаси»ни ўрганиш учун вакиллар палатасининг аъзоси Б. Розенталь бошчилигида конгресс аъзоларидан тўққиз киши составидаги делегациянинг визитига розилик беришни илтимос қилган эди.

ВСР Ташқи ишлар министрлиги холис ниятда эканлигини кўрсатиб, ҳамда қочоқларга ёрдам бериш проблемасини қониқарли ҳал этиш йўлларини қидириб топишда барча манфаатдор томонлар, шу жумладан, Қўшма Штатларнинг иштирок этиши учун имкони бўлган ҳамма ишни қилишга тайёр эканлигини билдириб, шу делегациянинг 8—9 августда Вьетнамга визит билан келишига ўз розилигини берди. Бироқ, хабар қилинишича делегация аъзоси конгрессмен Р. Дринэн ВСР ҳукуматининг сиёсати шаънига туҳматдан иборат айблар қўйиб гапирди. Бу — АҚШ ана шу проблемани ҳал этиш йўлларини қидириб топишда Вьетнам билан ҳамкорлик қилишни истамаётганлигини кўрсатади.

Ташқи ишлар министрлиги Вьетнам шаънига айтилган ҳамма бўҳтон айбларни рад этади ва ВСР Америка конгресси делегациясини қабул қиламаслигини билдиради.

(ТАСС).

ЯДРО ҚУРОЛИГА ҚАРШИ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Ядро қуролини тақиқлаш йўлидаги халқаро ҳаракат куни Хиросима ва Нагасакига атом бомбалари ташланган кунинг 34 йиллиги муносабати билан нишонланмоқда. Америка жамоатчилиги шу кун муносабати билан оммавий юриш, митинг ва намойишлар ўтказмоқда.

Нью-Йоркда неча минглаб киши Америка ҳарбийларининг ядровий қурол пойгасини давом эттириш планларига асло йўл қўймаслигини изҳор қилиш учун Пентагоннинг тадқиқот институти биноси олдига тўпланди.

Кўп шаҳарларда полиция намойишчиларни тарқатиб юборишга урниб, уларнинг қатнашчиларини калтаклади. Бьюкенен шаҳрида (Нью-Йорк штати) 200 киши қамоққа олинди. Бу шаҳарда ядро қуролига қарши ўтказилган намойишда 4 минг киши қатнашди. Қамоққа олинганларнинг ҳаммаси жамоат тартибини «бузиш»да айбланади.

ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА

БОННГ. (ТАСС). Германия Коммунистик партияси правленияси президиумининг аъзоси Марта Бушман «Унзере цайт» газетасининг мухбири билан суҳбатда бундай деди: Германия Компартиясн мамлакат жамоатчилигининг қуролланиш пойгасига қарши, ҳарбий харажатларни қисқартириш учун олиб бораётган курашини актив қўллаб-қувватлайди. Германия Федератив Республикасини тинчлик омилига айлантириш, — деб таъкидлади у, — мамлакатдаги тараққийпарвар кучларнинг энг муҳим вазифасидир.

Телетайп лентасидан

✦ ПНОМПЕНЬ. Кампучиянинг Сиемреап вилоятида мамлакат озод этилгандан кейин биринчи марта эртанги навлар экилган далалардан шоли ҳосилини ўриб-йиғиб олиш ишлари бошланди. Ўрим-йиғим билан бир вақтда шу йилнинг охири ва келгуси йилнинг бошларида ўриб олинадиган асосий шоли ҳосилини экиш давом этмоқда. Вилоят деҳқонлари ўзаро ёрдам бригадаларига бирлашиб, ҳозиргача 29 минг гектар ерга шоли экдилар.

✦ БАҒДОД. Ироқ революцион қўмондонлик кенгаши тузган махсус трибунал ҳукуматга қарши фитна қатнашчиларига ҳукм чиқарди. Улар давлатга хиёнат қилишда айбландилар. Трибунал фитначилардан бир неча кишини, шу жумладан революцион қўмондонлик кенгашининг собиқ бош секретари М. А. Ҳусайнни, бош министрнинг собиқ ўринбосари А. Ҳусайнни ва собиқ маориф министри М. Маҳжубни олий жазо — отишга ҳукм қилди.

Фитначилардан 33 киши турли муддат билан қамоқ жазосига ҳукм қилинди. 13 киши оқланиб, қамоқдан озод этилди.

(ТАСС).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ЭНГ ЯХШИ ОММАВИЙ ВА БОЛАЛАР ҚЎШИҚЛАРИ КОНКУРСИГА

БУЮК ПАРТИЯМ

Яшв коммунистик буюк
партиям,
Мадҳингни куйлаймиз
минглаб тилларда.
Элу элатларга суюк
партиям,
Сенга эътиқоду ҳурмат
дилларда.

Нақорат:

Партия Ленининнинг ўчмас
маёғи,
Нуридан нурафшон эл-юрт
ҳар ёғи.
Сен борсан, партиям,
меҳрур қоматлар,
Сен борсан, чилпарчин
йўлларимдан гов.
Сен борсан, партиям,
жўшар ғайратлар,
Сенинг ҳар бир ишинг
бахтларга гаров.

Нақорат:

Партия Ленининнинг ўчмас
маёғи,
Нуридан нурафшон эл-юрт
ҳар ёғи.

Барот ИСРОИЛ.

ОЙДИН ҚЎЛЛАР...

Ойдин қўллар сўнали,
Оққув билан гоз ўйнар.
Олтин чўллар хиналн,
Баҳор билан ёз ўйнар.
Тоғлар хипча арчали,
Кўзда ишва-ноз ўйнар.
Уйлар ёруғ дарчали,
Қуёш сарафроз ўйнар.
Турфа боғлар атирли,
Қушлар жўровоз ўйнар.
Пахта майдон қадрли,
Орзу-ҳавас соз ўйнар.
Ўйнар, бунда ёз ўйнар,
Дутор чалиб соз ўйнар...

Султон АКБАРИЙ.

ЁРИМ ДЕЙМАН...

(Қиз қўшиғи)

Тун келини — тўлин ой
Кумушланиб балқади.
Юлдузлар ҳам ҳойнаҳой
Унга мафтун боқади.
Само узра ажиб ҳол,
Ё табиат «ўйин»и.
Тинглагил ёр, тингла, ёр,
Дилгинамнинг куйини.
Танҳо ҳилолинг ўзим,
Ҳам парвонангман сени.
Сенсан толе юлдузим,
Кўнгил демас бошқани.
Меҳнат шараф-шон дерлар,
Тўкайлик маржон терлар.
Ундан обрў-эътибор
Топар паҳлавон эрлар.
Бахт берган шу ватанни
Севган диёрим дейман.
Элга бахш этсанг жонни,
Севганим, ёрим дейман.

Музаффар ТУРОБОВ.

Ёш она қувончи.

А. Тўраев фотоэтюди.

Турмуш маданияти масалалари

ДЕҲҚОН УЙИ — ҚИШЛОҚ КЎРКИ

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларида шундай жумлалар бор: «...Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини маданият билан, жуда кенг маънодаги меҳнат, турмуш маданияти, кишилар ўртасидаги муносабатлар маданияти билан қўшиб олиб бориш ҳозирги энг муҳим вазифалардан биридир». Партиямизнинг бу йўл-йўриғи Наманган район партия, совет ташкилотлари учун чинакам дастурламал бўлиб қолди. Халқ депутатлари район Совети ижроия комитети ишлаб чиққан тадбирларга кўра, беш йиллик охиригача қишлоқ меҳнаткашлари турмуш маданиятида туб ўзгаришлар содир бўлади. Одамларнинг турмуши янада юксалади.

— Қишлоқларни қайта қуриш ва хуторларни тугатиш вазифаси, — дейди район Совети ижроия комитетининг раиси С. Тошпўлатов, — шу кунининг энг муҳим вазифасидир. Қайси бир қишлоқда бўлиб, ким билан ҳамсуҳбат бўлсангиз қурилишдан гап очади: кеча боғча қурилишини тугаллаб, янги мактаб биносини бошладик. Колхоз маданият саройига биринчи гишт қўйилди, янги уй-жой массиви яқин кунларда ишга тушади... Кейинги уч йилда қурилиш кўлами 2,3 баравар ортди. Тошбулоқ қишлоғи ўрнида янги посёлка бунёд этилди. Хуторларни тугатиш соҳасида катта қадам ташланяпти. Қишлоқ қурилиши ҳам давлат, ҳам кооператив, ҳам якка тартибда кенг кўламда олиб борилаётир.

Район хўжаликларидаги уй-жойлар қурилиши асосан қурилиш ташкилоти (МСУ) зиммасида. Меҳнатсевар коллектив ҳар йили 3,4—5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажармоқда. Бу ерда бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини уддалаш ташаббуси билан майдонга чиққан Ҳасанов бригадаси самарали меҳнат қилаётир. Мазкур бригада шу кунларда 1983 йил ҳисобига меҳнат қилаётганини айтиб ўтиш кифоядир. Нўлдошбой Тошбоев, Каримжон Икромов, Умматали Ҳайдаров, Аҳмаджон Усмонов каби кўп касбли бинокорларнинг номларини ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Уларнинг жонкуярлиги туфайли Ленин номли, Тельман номли, «Қизил Байроқ», «Ленинград», «Партия XXII съезди» колхозларида бир неча минг квадрат-метр биноларни ўй-жойлар фойдаланишга топширилди.

Қурилиш бошқармаси ихтиёрида ҳозир 24 та қурилиш-монтаж, 8 та прорабликнинг участкаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг асосий диққат-эътибори замонамиз кишиларининг юксак дидига муносиб ёруғ, кўркам, ҳар бири — 3, 4 ва 5 хонали уй-жойларни тез суръатлар билан тиклашга қаратилган. Барча участкаларда ўзаро социалистик мусобақа кенг авж олдириб юборилган. Тўхтасин Фозилов, Аҳмаджон Қаюмов, Зокиржон Юсупжонов, Абдуқаҳҳор Ёқубов ўртоқлар бошчилик қилаётган участкалар кейинги уч кварталдан буён голиблик қилиб келаётгани диққатга сазовордир. Улар Тошбулоқ қишлоғида ҳар бири 16 квартирали 4 та уй-жой биноси, Дзержинский номли колхозда 360 ўринли мактабни, «Партия XXII съезди» колхозида 8 квартирали бир неча уй-жойларни фойдаланишга топширишга эришдилар.

Қишлоқларни қайта қуришда касалхоналар, мактаблар қурилиши катта аҳамиятга лойиқдир. Свердлов номли колхозда бир неча йилдан буён битмай турган шифохона комплекси яқин ойларда ишга туширилади. Куйбишев қишлоқ Совети депутатлари шифохона қурилишини тезлаштиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Қурилишни жадаллаштирувчи махсус штаб тузилган. Штаб аъзолари ҳар икки-уч кунда буюртмачи, қурувчиларнинг фаолиятини, ютуқ ва камчиликларни таҳлил қиладилар, ёрдам берадилар. Бу ерда депутат постлари ва группалари актив фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари қишлоқ Советлари сайловчилар томонидан берилган наказ, таклифларнинг қандай бажарилаётгани юзасидан қаттиқ назорат ўрнатишган. Чунончи, сайловчилар наказлари асосида ҳозир райондаги 65 та қишлоқда маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг комплекс қабул пунктлари очилди.

Район хўжаликларида давлат ва колхозларнинг капитал маблағлари ҳисобига уй-жойлар қуриш билан бирга якка тартида қуриш ҳам кенг йўлга қўйилмоқда. Бу соҳада колхозчиларга ва совхозларнинг ишчиларига ссуда бериш ташкил қилинган. Шунингдек, қишлоқ Советлари орқали цемент, шифер, ёғочтахта каби энг зарур қурилиш материаллари етказиб берилмоқда. Кейинги йилларда ана шу усул билан «Ленинград» колхозида 400 га яқин, Свердлов номли колхозда 320 та, «Қизил Байроқ», Охунбобоев номли, «Коммунизм», «Партия XXII съезди», Тельман номли хўжаликларда 150—200 дан ортиқ колхозчилар ўзларининг уй-жой шароитларини яхшилаб олдилар ёки янги ховли тўйлари ўтказдилар. Бу яхши анъана давом эттирилаётир.

Қишлоқ меҳнаткашлари ҳақида ғамхўрлик — партиямизнинг бош йўли. Деҳқон уйи—қишлоқ кўрки ва жамолини очишга хизмат қилади. Унинг ҳам ташқи, ҳам ички кўринишига эътиборни янада кучайтириш лозим. Партия ва ҳукуматимиз ғамхўрлигига жавобан меҳнаткашлар бугун кечагидан, эртага бугунгидан унумли меҳнат қилмоқдалар.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



СПОРТ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

ЯНГИЛАНГАН РЕКОРД

Чехословакияда социалистик мамлакатлар ўсмирлари ўртасида «Дўстлик» соврини учун ўтказилган ҳалқаро мусобақа якунланди. Совриндорлик баҳсида республикамиз вакиллари юқори натижаларга эришдилар. Чунончи О. Азизмуродов баландга сакраш бўйича 2 метру 19 сантиметрлик маррага кўтарилиб, биринчи ўринни эгаллади ва республика рекордини янгилади. Фарғоналик Л. Кирюхина 800 метрга югуришда 2 минуту 5,3 секунд вақт сарфлаб, бронза медалини қўлга киритди ва биринчи марта спорт мастери нормативини бажарди. Тошкентлик В. Климов 110 метрга тўсиқлар оша югуришда учинчи бўлди, самарқандлик И. Прокудин эса 4х400 метрга эстафетали югуришда 3-ўринни эгаллаган СССР терма командаси мураффақиятига муносиб ҳисса қўшди. Мусобақадан кейин ўсмирлар ўртасида Европа чемпионатида иштирок этувчи мамлакат терма командаси аъзолари сараланди. Улар орасида республикамизнинг 5 нафар енгил атлетикачиси бор.

БЕЛЛАШУВЛАР, ТУПЛАР, ОЧКОЛАР

⊙ ФУТБОЛ. Бир ойлик танаффусдан кейин олий лига командалари мамлакат чемпионати мусобақаларини бошлаб юбордилар. «Спартак» ва москвалик динамочилар учрашуви 2:1 ҳисобида тугади. Қолган ўйинлар кеча бўлиб ўтди.

⊙ ЧИМ ХОККЕЙ. Хоккейчи йигитлар ҳам чемпионат ўйинларига киришдилар. «Андижончи» командаси Куйбишевнинг «Труд» коллективини (1:0, 3:0) қабул қилди.

ШИФОКОРЛАР КОНЦЕРТИ

Наманган областидаги «Чортоқ» санаторийсининг «Шифокор» бадиий ҳаваскорлар ансамбли дам олувчилар ва санаторий ходимлари ҳузурида биринчи марта катта концерт бердилар. Медицина ходимлари ўзларининг оқ халатларини иш куни тугаганидан кейин артистларнинг кийимларига алмаштириб, шифо олиш учун бу ерга келган кишиларга ҳузур бағишладилар. Концертнинг биринчи программасига халқ қўшиқ ва рақслари, замонавий куйлар, хореография миниатюралари, бадиий ўқишлар киритилган. Шу тариқа яна бир шифобахш «процедура» вужудга келди.

[ЎзТАГ].

РЕКЛАМА ва эълонлар

СССР Давлат банкининг
ТОШКЕНТ УЧЕТ-КРЕДИТ ТЕХНИКУМИ
1979—1980 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисослар бўйича
КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ БЎЛИМЛАРГА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ, ДАВЛАТ БАНКИДА УЧЕТ ВА ОПЕРАТИВ ТЕХНИКА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА КРЕДИТ БЕРИШ.

ЎҚИШ МУДДАТИ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР УЧУН БИР ЙИЛУ 10 ОЙ.

Кирувчилар қуйидаги имтиҳонларни топширадилар: рус тили ва адабиёт (иншо), математика (оғзаки).

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган группаларга кирувчи маҳаллий миллат кишилари рус тилидан имтиҳон бериш ўрнига тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаб программалари ҳажмида ўзбек тилидан имтиҳон топширадилар.

Директор номига топшириладиган аризага қуйидагилар илова қилинади: маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), 3х4 см. ҳажмидаги 4 та фотосурат, медицина справкаси (286-форма). Паспорт ва ҳарбий хизматга муносабати тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Аризалар ўрта маълумотлилардан 14 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 20 августгача ўтказилади.

Мандат комиссияси — 21 августдан 24 августгача ишлайди.
МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Киров райони, Далазор кўчаси, 29 (2, 16, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Геологоразведка» бекати, 9, 24, 51, 60, 72, 44-автобусларнинг «Ғалаба» боғи» бекати).

168-ХОВОС ТЕМИР ЙЎЛ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—1980 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
қуйидаги ихтисослар бўйича
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЕПЛОВОЗ МАШИНИСТЛАРИНИНГ ЁРДАМЧИЛАРИ, СТАНЦИЯ МАВҲАЧИЛАРИ, СЦБ ВА АЛОҚА МЕХАНИКЛАРИ, 10-синф ҳажмида ўқиш муддати — бир йил, 8-синф ҳажмида ўқиш муддати — 3 йил; **ВАГОНЛАРГА ҚАРОВЧИЛАР,** 10-синф ҳажмида ўқиш муддати — 6—8 ой, 8-синф ҳажмида ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртига 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар, шунингдек ишчилар, хизматчилар ва Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган кишилар қабул қилинади.

Ўқувчилар кунига бепул уч марта иссиқ овқат ва кийимкечак билан, ўрта маълумотли ўқувчилар эса 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлаб чиққан кишилар темир йўлчилар учун белгиланган барча имтиёзлардан; Совет Иттифоқининг истаган бурчагига темир йўл билан бепул бориш билети, ёқилғи ва шу кабилардан фойдаланадилар.

Билим юртини тамомлаб чиққан ва аъло баҳо билан диплом олган кишиларга олий ўқув юртларига конкурсдан ташқари кириш ҳуқуқи берилади.

Билим юртига кириш вақтида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур: маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, ишлаб турган жойидан справка, мактабдан ёки ишлаб чиқаришдан берилган характеристика, 3х4 см. ҳажмидаги 6 та фотосурат.

Абитуриентлар медицина комиссиясидан билим юртида ўтадилар.

Бизнинг адрес: Сирдарё области, Ховос станцияси, Комсомольская кўчаси, 20-уй.

СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи қошидаги
176-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—1980 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисослар бўйича
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

электрокарачи малакасига эга бўлган автослесарь. Билим юртини тамомлагач, автомобиль ҳайдаш ҳуқуқини олганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади. Ўқиш муддати — 3 йил. Шу ихтисос бўйича ўқувчилар ётоқхона билан таъминланмайди; **электрчи.** Ўқиш муддати—3 йил; **электр-газ пайвандчи.** Ўқиш муддати —3 йил. 15 ярим ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади; **саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь-механик.** Ўқиш муддати — 3 йил. **ОТК контролёри.** Ўқиш муддати — 3 йил. Фақат қизлар қабул қилинади. Шу ихтисос бўйича ўқувчиларга ётоқхона берилмайди; **универсал-фрезерчи, механика-ишлов ишлари слесари.** Ўқиш муддати — 1 йил ва 3 йил; **шлифовкачи.** Ўқиш муддати — 1 йил. 15 ярим ёшдагилар қабул қилинади. Стипендия тўланади; **электр кўприкли кранларнинг машинисти.** Ўқиш муддати — 1 йил ва 3 йил. Асосан қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 1 йил бўлган группаларда ўқувчиларга стипендия тўланади; **пресслаш асбоб-ускуналари оператори.** Ўқиш муддати — 1 йил. 17 ёшдагилар қабул қилинади. Стипендия тўланади; **механика-ишлов ишлари слесари малакасига эга бўлган тракторчи-синовчи.** Ўқишни тамомлагандан кейин автомобиль ҳайдаш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилади. Ўқиш муддати — 1 йил. 17 ярим ёшдагилар қабул қилинади; **темирчи.** Ўқиш муддати — 1 йил. 17 ёшдагилар қабул қилинади. Стипендия тўланади; **электр пайвандчи.** Ўқиш муддати — 1 йил. 17 ярим ёшдагилар қабул қилинади; **агрегат ва махсус станоклар созловчиси.** Ўқиш муддати—3 йил; **токар-универсал.** Ўқиш муддати — 1 йил ва 3 йил; **дурадгор.** Ўқиш муддати — 1 йил. 15 ярим ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТАМОМЛАБ ЧИҚҚАНЛАР ТЎЛА ЎРТА МАЪЛУМОТ ВА КАСБГА ЭГА БЎЛГАНЛИКЛАРИ ТЎҒРИСИДА ДИПЛОМ ОЛАДИЛАР ҲАМДА ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШ ВАҚТИДА ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР.

Билим юртига қабул қилинганларнинг ҳаммаси кунига 3 марта иссиқ овқат, кийим-кечак, иш кийими билан таъминланади, зарур булганларга эса секция типидаги умумий ётоқхонадан жой берилади. Ўқиш даврида ўқувчиларга ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб топилган суммаанинг бир қисми тўланади.

Билим юртининг жиҳозланган ўқув кабинетлари, устахоналари, стадиони, спорт заали, ҳовузи бор. Эстрада, духовой ва миллий ансамбллар ишлайди. Ёзги каникул даврида дам олиш учун Чорвоқ сув омбори ҳавзасида спорт-соғломлаштириш лагери бор.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши зарур: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома ёки аттестат, турар-жойидан справка, ота-оналаридан бири ишлаб турган жойдан справка, медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмидаги 6 та фотосурат, характеристика.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: 700177, 1-Тошавтомаш массиви (1, 19, 16, 24-автобусларнинг «Трактор заводи» бекати, 22-трамвайнинг «13-поликлиника» бекати).

ИНСОН ВА ТАБИАТ

ҲАШАРОТЛАРНИ ҚАНДАЙ «БОҚАДИЛАР»

Наманганда ўсимлик зараркунандаларига қарши қурашда қўлланиладиган ҳашаротлар — трихограммалар етиштирувчи фабрика қурилиши поёнига етказилди. Бу ерда биологик қорхонанинг қад кўтариши бежиз эмас. Наманган областида кўп йиллардан бери ғўза зараркунандаларига қарши курашнинг биологик воситалари муваффақиятли қўлланилмоқда. Фойдали ҳашаротларни кўпайтириш иши йўлга қўйилган. Далаларнинг энг яхши санитари трихограммалар экан. Кўзга аранг кўринадиган мода трихограмма ўсимликнинг энг хавфли зараркунандаларидан бири — ғўза тунламининг 30 ва ундан ортиқ тухумини йўқ қилади.

Экинзор қанчалик зарарланганлигига қараб трихограмма бир мавсумда далага бир, икки ёки уч марта тарқатилади. Башарти улар зараркунандаларни бир ёқлик қилиб улгурмасалар, у ҳолда экинзорларга микробиологик дори пуркалади. Бу дори кўсак қуртига қирон келтиради, аммо фойдали ҳашаротлар учун зararсиздир. Ўтган йили область пахтазорларининг ярмисида — 60 минг гектар майдонда биологик метод қўлланилди. Дарвоқе, бу метод кимёвий йўл билан ғўзаларга ишлов беришга нисбатан анча арзондир. Бу йил баҳорда ва ёзда пахтазор санитарлари 80 минг гектар экинзорда «ишлашди». Биофабрика ишга туширилиши билан ғўзаларни зараркунандалардан трихограмма ва бошқа биологик воситалар ёрдамида тўла-тўкис ҳимоя қилиш имкони туғилди. Ҳашаротларни қўлланиш билан шуғулланадиганлар малакаси ҳам ошмоқда. Область ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси қошида колхоз ва совхозларнинг катта агроном-энтомологлари учун ойлик курслар ташкил қилинмоқда.

Биофабрика йилига 800 килограмм жонли маҳсулот — ўн миллиардлаб фойдали ҳашарот етиштириш қувватига эга. Шунча ҳашарот эса Наманган областининггина эмас, балки Фарғона водийсининг бошқа областлари хўжаликларининг ҳам эҳтиёжини қондиришга бемалол етади.

— Трихограмма етиштириш ва кўпайтириш жуда мураккаб, сермашаққат иш, — дейди фабрика директори Х. Хожимирзаев. — Трихограммалар далаларда қарийб олти ой, апрелдан сентябрга қадар «тер тўкади». Бошқа вақтда эса бизнинг «отарлар» дам олади. Мутахассислар «диапауза» деб атайдиган бу давр ярим йилга қадар давом этиши мумкин. Музхоналар, совуқ камералар ҳашаротлар учун «ётоқхона» вазифасини ўтайди.

Ҳашаротларни пахтазорга етказишни механизациялашнинг иложи йўқмикин? Ҳозирча бу иш қўлда бажарилмоқда. Мутахассисларнинг ҳисоблашларича ҳалемай деҳқонларга бу борада ҳам техника ёрдамга келади. Ҳашаротлар далага самолёт ёрдамида тарқатилади.

П. ВОЛКОВ,
(«Правда»нинг штатсиз мухбири).

(«Правда» газетасининг шу йил 8 август сонидан).

Наманган шаҳри.

ХОМТАЛАШ

АЖАБ САВДОЛАР

«Гулшан» истироҳат боғида бир галай кишилар пичирлашиб ўтиришибди. Уларнинг бири боғдаги теннис майдончасида кассирлик қилса, иккинчиси завхоз, учинчиси омборчи-ю тўртинчиси фаррош...

— Директоримизга айтайлик, бизга ҳам битта-яримта бўш штатни берсин, — деди шериклларига Чишихина деган аёл. — Қачонгача «супра қоқди» қилиб юрамиз.

— Нима. олган пулинг камлик қиляптими? — деб жавоб қайтарди иккинчиси унча ёқинқирамай. — Боғда уйингда юргандай билган ишингни қилиб юрган бўлсанг, тағин сенга нима керак?

— Ҳамёнинг қаппайса оғирлик қиладими? Боғда нима кўп — бўш штат кўп. Шундан биттадан олиб кўйсак биров бир нарса дермиди. Ҳозир директорнинг олдига кирамизу очиғини айтамиз. Директорнинг эса тили қисиқ. шартимизга кўнмай иложи йўқ.

Шериклар боғ директори Темур Алимуҳамедовнинг олдига киришди.

— Хўш, келинглар, хизмат, — деб уларни қарши олди Т. Алимуҳамедов. Чишихина қандай мақсадда келишганини унга айтиб берди. — Э-э, гап буёқда экан-да, оббо, сизлар-е, дарров ҳидни сезибсизлар-да, а? Ҳойнаҳой, бу гап Чишихинадан чиққан, шундайми?

Шундай қилиб Тошкент шаҳар Куйбишев районидаги «Гулшан» истироҳат боғида истаганча иш кўриб директорлик қилган Т. Алимуҳамедов ходимларининг айтганини бажо келтирди. Чунки, боягина Чишихина айтганидек, тили қисиқ жойи бор, уларнинг йўригига юрмаса, ўзининг ҳам Муборак Эшонхўжаева деган аёлнинг ойлигини олиб юрганлиги ва бошқа бир қанча ишлари фош бўлиб қоларди-да.

— Ҳа, майли, ҳамманг таниш-билишларинг ҳужжатини рўбкелларинг. Бугуноқ буйруқ берганим бўлсин, — деди у. — Фақат ҳозиргидай жар солиб бутун боғга овоза қилиб юрманглар.

Шериклар ҳар ёққа чопиб қолишди. Биров уйига, биров танишникига, яна бирови яқин ошна-оғайниси, қариндошникига чопди. Ҳаммасининг дарди бирортасининг ҳужжатини олиб келиб, буйруқдан тезроқ ўтказиб, унинг номидан ойлик олиш эди. Мана, боғ омборчиси Ориф Расулов биринчи бўлиб ўғли Эркин Расуловнинг ҳужжатларини олиб келди-да завхозликка ўтказиб қўйди. Бухгалтер П. Чишихина эса Развина деган аёлни, теннис майдончасининг кассири К. Нелюдина бўлса Л. Лепцкая ва Ю. Тимошенкони буйруқдан ўтказдириб маошини ҳамёнга ураверишди. Боғ штатида бирорта бўш штат қолмади. Ҳаммаси боғ ходимлари ўртасида хомталаш бўлди. Шу зайлда қалбаки ҳужжатлар тўлдириш йўли билан давлатнинг 5361 сўмдан зиёд пули талон-торож бўлиб кетди.

— Қалай, текин пул оғирлик қилмаяптими? — сўраб қолди бир кун Чишихина ходимлардан.

Оғирлик қилармиди. Шунча ишни қилиб қўйган Т. Алимуҳамедов ҳозир бошқа жойга ўтиб ишлаяпти. Аммо истироҳат боғида аҳвол ҳамон аввалгидек. Куйбишев районидаги ушбу боққа борган одам боғ ташландиқ бўлиб қолганини ўз кўзи билан кўриши мумкин. Шундай экан, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раҳбарлари боғ дирекциясидаги бундай қинғир ишлардан хабардормикинлар?

С. АЛИЕВ.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика 10.05 — Болалар фольклор ансамбли ижро этади. 10.35 — Ер магзи. Бадиий фильм 1-серия. 11.40 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Қишлоқдаги оддий иш кунлари. 16.10 — Флиппер. Бадиий фильм. 7-8-серилар. 17.00 — Концерт. 17.35 — Шахмат мактаби. 18.05 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Болаларга аталган шеърлар. 19.15 — Дунё воқеолари. 19.30 — М. Глинка романсларини Москва Давлат филармониясининг солисти Е. Иванова ижро этади. 19.55 — Инсон ва қонун. 20.25 — Ер магзи. Бадиий фильм 2-серия. 21.30 — Вақт. 22.05 — Телевизион викторина. 23.15 — Фильм-концерт. 23.45 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

11.30 — Дўстларим қўғирчоқлари. 12.00 — Нўҳат. Фильм-опера 12.20 — Чет эллик қиз. Бадиий фильм. 18.20 — Кумуш карнай қўшиғи. Фильм-концерт. 18.40 — Адабий театр. Икки юз ўн қадам. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Абу Али ибн Сино таваллудининг 1000 йиллигига. 20.30 — Ахборот. 20.50 — А. Бозоров ва Н. Зулунова концерти. 21.30 — Вақт. 22.05 — Турмуш ва маданият. 22.35 — Кимолот сари. Бадиий фильм. 00.05 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН

18.40 — Канонир Доласининг саргузаштлари. Бадиий фильм 2-серия. 20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Совет қўшиқларидан концерт. 20.50 — Енгилдан эҳтиёт бўлинг. 21.20 — Ҳужжатли фильм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ф. Содиқов қўшиқлари. 9.30 — Б. Ҳамдамов ва Ҳ. Одилов ижросида қўшиқлар. 12.10 — Ўзбекистон ашулари. 13.00 — Мураббий. 13.30 — Э. Пьеха ва И. Кобзон ижро этади. 14.00 — Сувчилар. 18.30 — Яхши кайфият хизмати. 18.40 — Ёшлик. 19.45 — Дутор тароналари. 20.25 — Қўшиқлар ва лапарлар. 20.50 — Самарали ҳамкорлик. 21.00 — Китобсеварлар клуби. 21.30 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.28—«Шодлик» ансамбли солистлари ижро этади. 23.20 — Дам олиш концерти.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/VIII да **Келинлар кўзголони,** 10/VIII да **Кўрмайин босдим тиконни.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛ ТЕАТРИДА — **Г. Камол номли Татар давлат академик театрининг гастроллари.** 10/VIII да **Қул Али.**

«Союзузбекгазпром» Бутуниттифоқ саноат бирлашмасининг маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари газ трубаларининг электрохимиявий муҳофаза қилиш хизмати бошлиғи Б. С. Сиддиқжоновга отаси

Сиддиқжон ҲОШИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04 масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-18, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 3-55-35; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 03057. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Е. — 181.